

R 496
1969/6

ГУЛИСТОН

№ 6 (50) 1969

№ 3





Бундан уч йил аввал Тошкентда булиб утган zilzila турар жой фондининг қарийб учдан бир қисмини вайрон қилган эди. Шу қисқа муддат ичида барча қардош халқларнинг дустона кумагида шаҳарда 2 миллион 750 минг квадрат метр турар жой, 50 мактаб, 45 жойда болалар боғчаси ва яслилар солинди. Тошкентда 75 минг оила кўркам, қулай янги уяларга кучиб чиқди.

Республикаимиз пойтахти ўзига хос қадимиялик қиефасини явуқотмаган ҳолда, гузал ва ерқин ҳозирги замон шаҳрига аяланмоқда.

Г. ГРАФКИН фотоси.

Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитетининг
журнали



R 496

№ 6 (30) Июнь 1969

Э № 3

ГБ УзССР
Ж

БУ СОҒДА

Коммунистик шанбаликнинг
50 йиллиги
Ленинни кўрганлар хотираси
Мирзачўлда Ленин излари
Ильич ёди
„Гулистон“ гурунги
Муҳаррир минбари
Қиссадан парча
Ихчам тақриз
Тўққиз аср йўл босган китоб
Дам олиш соатларида

АВТОРЛАРИМИЗ:

Ғ. Аҳмаджонов, А. Ҳамидов, З. Есенбоев, Рустам Раҳмон, И. Глауберзон, Хусниддин Шарипов, Д. Пуревдорж, Назир Сафаров, Қ. Каримов, Т. Аввалов, С. Безносков, С. Юнусов, Ҳамидулла Ёқубов ва бошқалар.

Ойлик ижтимоий-сиёсий ва
адабий-бадиий журнал

МУҚОВАЛАРДА:

Биринчи бет — БОЛАЛАР — келажигимиз.

Учинчи бет — Самарқанд сайргоҳлари.

Г. ГРАФКИН фотолари.

КЕЛГУСИ СОНДА

Россия Федерациясида ўзбек

адабиёти ва санъати ўн

кунлиги

Дўстлар даврасида шеърхонлик:

Я. Смеляков, А. Прокофьев,

Мустай Карим, Расул

Ҳамзатов, Ҳасан Тўфон, Уйғун

Ильич Ватанида. Счерк

Биз Уралда ўқиганмиз

Ҳозгон мрамари

Бош муҳаррир: Асқад МУХТОР. Таҳрир ҳайъати: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАММЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Ҳамидулла НУРУЛЛАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Уктам ОРИПОВ, Рустам РАҲМОН (масъул котиб), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ, Комил ЯШИН, Муҳаммаднор УРОЗБОЕВ, Тошмуҳаммад ҚОРИНИЕЗИЯ.

«Гулистон» — общественно-политический и литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Бош раҳбар Э. РУЗИБОЕВ.
Саҳифаловчи М. ЕФИМОВА.

АДРЕСИМИЗ: Тошкент, 47, КАРЛ МАРКС кўчаси, 30-уй.

«Гулистон» телефонлари. Бош муҳаррир — В-33520. Бош муҳаррир ўринбосари — В-33590. Масъул котиб — В-33659. Ижтимоий-сиёсий бўлим — В-33602. Адабий-бадиий бўлим — В-33519. Қабулхона — В-33519.

Теришга топширилди 30/IV 69 й. Босишга ижозат берилди 30/V 69 й. Қогози 70×108¹/₈. Ҳажми 4,5 босма тобоқ. Буюртма 407. Нусхаси 157115. Баҳоси 30 т. Р 07654.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётнинг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг
Бирлашган нашриётида чоп этилди.*

БУЮК ТАШАББУС ДАВОМ ЭТАДИ

В. И. ЛЕНИННИНГ „БУЮК ПОЧИН“ АСАРИ
ЁЗИЛГАНИГА 50 ЙИЛ ТЎЛДИ.

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ ТАНТАНАСИ

Инсон инсон бўлиб минг йиллар давомида чунгурадор қошоналар тиклаган, бўёқда жон киритган, санъат мўъжизаларини кашф этган. Унинг қалб ҳароратидан эса жонбахш куйлар тугилган, оқ ғоғоз узра садаф дурдоналар — сўнмас сўзалар тўкилган. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткаш инсон қудрати, гўзаллининг разолатдан, хурриятнинг тенгсизликдан устунлиги рамзи эди.

Асрлар мобайнида меҳнат ҳукмдор синфлар томонидан эксплуатация қилиниб, таҳқир этилиб келди. Минг йиллар давомида инсон меҳнати ўзининг чексиз қудрат ва имкониятини, мўъжиза ва гўзаллигини тўла намоён эта олмади, меҳнаткаш уз ижодий меҳнатининг нафтини ўзи кўролмади келди.

Улуғ Ленин даҳоси туфайли ғалаба қилган Октябрь инқилобининг оламшумул-тарихий хизмати шундаки, у мамлакатимизда инсон билан меҳнатни зулм кишанларидан бир умр озод этди ва жаҳон меҳнаткашларига нурафшон йўл — эркин-саодат йўлини кўрсатиб берди.

В. И. Ленин Октябрь инқилобининг дастлабки йилларидаёқ инсон меҳнати, меҳнат унуми ва уни янгича ташкил этиш вазифаларига алоҳида аҳамият берди. У аниқса меҳнатга коммунист муносабатда бўлишнинг намунаси саналган биринчи коммунист шанбаликлари зўр қуввоч билан табриқлади ва «Социализм капитализмга нисбатан янги, хийла юқори меҳнат унумини яратди, модомики шундай экан, капитализм бемалол енгилиши мумкин ва албатта енгилади», деб башорат қилди.

Маълумки, дастлабки коммунист шанбалик мамлакатимизда гранданлар уруши ва чет эл ҳарбий интервенцияси даврида, вайронлиги ва очарчилик шароитида Москва — Қозон темир йўлининг Москва-Сортировочная депоси коммунистлари ташаббуси билан 1919 йил 12 апрелда ўтказилган эди. Кейинчалик бундай халқ ҳашарлари Ватанимиз бўйлаб энг ёйилди.

Доҳиймиз москвалик темирйўлчилар ташаббусига юқори баҳо берди. Бу ташаббус заминида меҳнатга янгича муносабат пайдо бўлганлигини кўрди ва 1919 йили июнда ўзининг «Буюк почин» асарини ёзди. Бу асарда Совет ҳокимиятининг биринчи йилларида орттирилган дастлабки тажриба умумлаштирилди, коммунист шанбаликларнинг жаҳоншумул аҳамияти таъкидлаб кўрсатилди.

«Буюк почин»нинг аҳамияти шундаки, у меҳнатга коммунист муносабатда бўлиш туфайли яратиладиган коммунизм жамиятини ҳақиқий, конкрет ифодалаб берди:

«Коммунизм — илгор техникадан фойдаланадиган эркин, онгли, бирлашган ишчиларнинг капиталистик меҳнат унумига қараганда яхшироқ юқори меҳнат унуми, демандир. Коммунистик шанбаликлар *Коммунизмнинг Ҳақиқатан* бошланиши бўлгани учун бениҳол қимматдир...» (В. И. Ленин. Асарлар. 29-том, 443-бет).

Коммунистик шанбаликлар шунинг учун ҳам муҳимки, деб қувонган эди В. И. Ленин, бу коммунистик шанбаликларни фаузулда яхши шароитда ишловчи ишчилар эмас, балки турли ихтисос ишчилари ва шу жумладан *Энг оғир* шароитда ишловчи, ихтисос бўлмаган оддий ишчилар бошлаб юбордилар!

Уша буюк ташаббус бошлангандан бери совет халқи улуғвор ғалабаларга эришди. Биринчи бўлиб жаҳонда ягона социалистик жамият барпо этди, эндиликда коммунизм тантанаси сари дадил бормоқда. Бу ғалабалар шонли ишчилар синфи, колхозчи деҳқонларимиз, зиёлиларимизнинг қаҳрамонона меҳнати, ижодий ташаббусорлиги, коммунистик анъаналарга содиқлиги натижасидир.

Фақат социализм шароитидагина озод меҳнат инсон қудратининг чинакам ўлчови ва гарови бўлиб қолди. Ленин гоғларидан нур эмган ижодкор халқимиз кун-бакун меҳнат мўъжизаларини яратмоқда. Атом қувватидан яхши кунда фойдаланишда бўлсин, коинот сирларини ўрганишда бўлсин — ҳаммаша биринчи. Умуман, инсон меҳнати, заҳматнаш одам салоҳиятининг ҳамма ёрқин қирралари барқ урадиган замон — фақат социализм эканлиги энди барчага кундай равшан!


Ғуломжон АҲМАДЖОНОВ,
тарих фанлари кандидати



Коммунистик шанбаликка Меҳнат Қизил Байроқ орденли 31-профессионал-техника билим юрти талабалари байроқ кўтариб боришди.

С. БЕЗНОСОВ фотоси.

1919 йилда совет Шарқда биринчи бўлиб Буюк ташаббусга «Қизил Шарқ» ремонт устaxonаси қўшилган эди. Эллик йилдан кейин — шу йил 12 апрелда ҳам «Октябрь революцияси» тепло-воз-ремонт заводининг меҳнат аҳли шанбаликка биринчи бўлиб чиқди.



ЛЕНИН ВА ШАРҚ

Мен ўртоқ Ленин фаолияти ва шахсиятининг аҳамияти тўғрисидаги умумий масаладан бир масalani айириб кўрсатмоқчиман... Бу — Шарқ масаласидир.

Ўртоқ Ленин Октябрь инқилобининг дастлабки кунларидаёқ Шарқ халқларига мурожаатни имзолади. Унда «Эндилда ҳамма халқлар эркиндир, улар эркин яшашлари ва ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари мумкин» дейилган эди. Бу гаплар, аввало, собиқ подшо Россияси тупроғида яшаган халқларга тегишли эди. Россия мустамлакачилик сиёсати олиб боргани сабабли бирон-бир йўл билан унга тобе бўлиб қолган қўшни давлатларга нисбатан: «Шу кичик давлатларнинг баъзи бирларини мустақилликдан маҳрум этиб қўйган махфий ва ошкора шартномалар ҳозирдан бошлаб бекор қилинади», дейилади. Хитобномада шунингдек, «Истамбул турк шаҳри бўлиб қолиши керак», деган сўзлар бор эди. Ана шу биринчи хитобнома, тақдирига

тан берган ва аллақачонлароқ кўргулик экан деб кўниқиб кетган кишиларга зумда бориб етди. Улар гафлат уйқусидан уйғондилар, Ленинни билдилар. Бироқ улар ўртоқ Лениннинг ваъдаси бажарилганини англадиларми? Мана буни омма ҳали яхши тушунмайди, негаки қўшни давлатларнинг яхшилигини билмаган ҳукмдорлари омmani ёлгон-яшиқлар билан чалғитдилар.

Ўртоқ Ленин Шарқ масаласини икки йўл: педагогик ва қўшни давлатлар ила бевосита алоқа боғлаш йўли билан ҳал қилди. У, аввало, ўз тили, ўз маданияти ва ўз адабиётига эга бўлган ҳамда мустақил халқ эканлигини аллақачонлар унутиб юборган майда элатлар масаласини аниқ ва равшан қилиб қўйди. Ильич, ўз мамлакатимизда миллий масalani ҳал этмас эканмиз, қўшни халқларнинг психологиясида муайян ўзгариш ясаб олмаймиз, деб ҳисоблар эди.

Доҳиймиз буни ҳал қилди ҳам: «Собиқ Россия империяси доирасидаги ҳамма

катта ва кичик халқларга автономия берилсин. Борди-ю, улар айрим иттифоқчи ёки мустақил давлат бўлиб ажраб чиқиши хоҳласалар, бунга ҳам йўл қўйилсин».

Натижада автоном республикалар, автоном областлар, мустақил республикалар тузилди; бу республикалар кейинчалик Россия Федерацияси иттифоқига кирди.

Ленин ана шу автоном ва мустақил республикалар орасида Туркистон билан Озарбайжонга алоҳида эътибор берди. У айтган эдики, бу республикалар Шарқнинг дарвозасидир, уларда бўлаётган ҳамма иш зумда қўшни давлатларга ёйилади ва бу мамлакатларнинг эзилган халқлари биз қанақа эканлигини билиб, сезиб оладилар.

Ленин маҳаллий ходимлар билан гаплашганида, ўз одатича, уларни огоҳлантириб: Россиянинг ичнда қилинган хатоларни такрорламаслик керак, маҳаллий урф-одатга, ерли аҳолининг диний



Н. ҚУЗИБОВЕВ. В. И. Ленин ҳузурнда.



этиқодларига эҳтиёткорона қараш керак, деб таъкидлар эди.

Владимир Ильич чекка ўлкалар масаласини чуқур ўйларди, унга жуда сезgirlик ва эътибор билан қарарди. У ўз қарашларини суҳбатдошига ҳам сингдира олар эди. Унинг суҳбатдоши: улуг устоз айтган гаплари бажара олармиканман, деган хаёлга чўмганича чиқиб кетар эди.

Мен чекка ўлкалар масаласида ўртоқ Ленин билан бир неча бор гаплашганман. Ҳар сафарги суҳбатда мен унинг қалби чекка ўлкаларда ҳодимлар тайёрлаш учунгина эмас, балки кўп миллионли Шарқ меҳнаткашлари оmmasининг онги ва қалбига бевосита таъсир кўрсатиш учун намунали мактаб вужудга келтириш истаги билан тўлиб-тошганига тобора кўпроқ ишонардим.

Янги, революцион Туркиянинг¹ вужудга келиши шу таъсирнинг натижаси эмасми? Дарвоқе, урушдан кейин Туркия қандай аҳволга тушиб қолган эди? Туркиянинг Европа қисми, пойтахти Истамбул билан бирлида, Антанта армиясига тобе эди. Туркия қўшинларининг бир қисми тўзиб кетиб, Кичик Осиёнинг ичкарисига чекинаётган эди. Бу армияда жанговар руҳ йўқ эди. Унинг устига Туркиянинг Кичик Осиё ярим оролидаги жонли қучларини узил-кесил яячиб ташлаш мақсадида грекларнинг Измирни ишғол этиши шусиз ҳам руҳи тушиб кетган армияни янада пачоқламоқда эди.

Турк халқи ҳаётидаги ана шу энг мушкул пайтда «Истамбул турк шаҳри бўлиб қолиши лозим, биз ҳамма халқларни эркин деб эълон қиламиз ва чор ҳукуматининг ҳамма шартномаларини йирити ташлаймиз» деган сўзлар турк эли ичига кенг ёйла борди. Турклар рус подшоларининг Истамбул тўғрисидаги васиятларини билар эдилар, улар бун Миллюковдан эшитганлар. . . Энди бирдан турклар, янги Россиянинг ҳукумат бошлиғидан: Истамбул турк шаҳри бўлиб қолиши лозим, деган гапни эшитиб қолдилар. Фақат эшитибгина қолмай, балки ана шу янги ҳукумат бошлиғининг янги Туркияга хайрихоҳлигини ҳам сездилар. Шунда улар, «Ора томон бўш, энди янги Россияда душманларимиз йўқ. Истамбул бизники бўлиши керак!», деган қарорга келдилар.

Шундай қилиб, кечагина жон ҳовучлаб, йўл-йўлакай яроғ-аслаҳасини ташлаб чекинган, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан толиққан турк ватанпарварлари шу шпор таъсирида руҳланиб кетди ва айёр, тамағир, беор, раҳмсиз, виждонсиз Европа дипломатиясига юз берган даҳшатли ҳолни — эски Туркия европалик буюк давлатлар жандармериясининг пошналари тағида ҳалок бўлганини, лекин энди янги, революцион Туркия вужудга келганини ва у: «Биз ўз ҳолимизча яшаймиз, биз ҳар қандай васийликни жирканиб рад этамиз», деганини кўрсатиб қўйиб, яъни тарихий иш қилиш учун қўлига яна қурол олди. Шубҳасизки, янги, революцион Туркиянинг ҳолис тарихчиси турклар тарихида бутун бошли халқнинг «хаёт-мамот масаласи кўндаланг бўлиб турган энг оғир пайтда уларнинг психологиясида юз берган ўзгаришга тегишли баҳо беради. Бундай баҳода улуг йўлбошчимизнинг турк масаласига муносабати натижаси энг муҳим ва асосий ўринни эгаллайди; ана ўшанда турклар Олий мажлисининг расмий таъзиясини билдириш билангина чекланиб қолмасдан, бошқача йўл тутадилар.

Октябр революциясидан кейин Эронда қандай воқеалар рўй берди? Революцияга қадар Эронни чор Россияси билан Англия бўлишиб олган эди. Эроннинг ши-

молий қисми Россиянинг жануби Англия таъсирида эди. Уртоқ Лениннинг китобномасига мувофиқ, рус қўшинлари Эрондан чиқиб кетдилар. Бу ҳол эронликларга жуда қатғи таъсир қилди ва улар Эроннинг жанубий қисмида ҳали ҳам Англия ҳукмронлиги қилиб келаятганлигидан очиқдан-очиқ норозилик билдира бошладилар. Ниҳоят, Англия эронликларнинг таъзиқига бардош бера олмай мамлакатни бўшатиб қўйди. Шу тариқа Эрон ўзига ўзи хўжайин бўлиб қолди.

Эрон дипломатияси бунинг қадрига етдими? Йўқ. У иттифоқчи Озарбайжон республикасида мағлубиятга учраган бир ҳовуч очкўз савдогарларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ниятида савдо алоқалари боғлаш тўғрисидаги музокаралар вақтида бизни менсимгандай бўлди. У, афтидан ўзининг аслда ягона ва мустақил Эрон бўлмаган кечаги аяач ҳолини унутиб қўйганга ўхшарди. Эрон дипломатияси ўз мамлакатини доҳий Ленин бошлиқ большевиклар озодликка чиқарганлигини қанчаллик яширмагин, барибир, эрон халқи ўртоқ Лениннинг Шарқ халқларига мурожаати аввало ўзининг мамлакатига таъсир кўрсатганлигини билади, Эрон халқи ҳозирча жим, тишини-тишига қўйиб турибди. Лекин шундай вақт келадими, бу халқ ошқора суратда, иштиёқ билан: исониятнинг улуг йўлбошчиси, сенинг васиятларинг йўлидан бормоқдамиз! — деб ҳайқиради.

Иккита буюк давлатнинг, чор Россияси билан Англиянинг Афғонистонга нисбатан тутган сиёсати ҳам Эронга нисбатан тутилган сиёсатининг худди ўзгичаси эди. Фарқи фақат шундаки, Афғонистон Англиянинг протекторати остида эди ва Россия бу ерда Эрондаги сингарни эркин ҳаракат қила олмас эди. Уртоқ Лениннинг китобномасидан хабардор бўлган Афғонистон амираи ўзининг биринчи элчисини биринчи бўлиб Совет мамлакатига юбориш истагини билдирди. Шу маҳалда Англия рус генераллари ёрдами билан Совет мамлакатига қарши урушмоқда эди.

Амирининг бу истаги нимани билдирарди? Бу бизнинг Афғонистонга тўла хайрихоҳлигимизга ишонган Афғонистон ҳукуматининг шу пайдан бошлаб Англия билан бошқача оҳангда гаплашмакчига ишора эди. Ниҳоят, Афғонистон элчиси қизил Москвага келиб, ўртоқ Ленин билан суҳбат қилди ва Совет ҳукумати бошлиғининг Шарқ халқларни тўғрисида айтган гаплари қуруқ гаплар эмаслигини, Ленин Афғонистонни Англиянинг мустамлакачилик сиёсатидан қутқазиш учун ҳамма нарсага тайёр эканлигини ўз ҳукуматига маълум қилди.

Бу ҳол Афғонистон ҳукуматига бизнинг китобномасини ва Афғонистон масаласига муносабатимизни ҳаммиса далил келтириб, омма орасида Англия сиёсати-га қарши ташвиқот олиб бориш учун имкон берди. Бу ташвиқотнинг аҳамияти нақадар муҳимлигини қўйидагилардан билса бўлади: Афғонистон элчиси Москвага ўз элнинг илмували бир мулласи билан келган эди. Бу мулла мен билан гаплашганда «Менга Ленинни кўрсатсангиз» деб қатғиқ илтимос қилди. Мен бунинг сабабини сўраган эдим, у бундай жавоб берди: «Унинг тарбиятчилари, унинг маълумларга муносабати уни бутун дунёдаги ҳозирги сиёсатдонлардан ва йўлбошчилардан яққол ажратиб туради. Менимча, у паёғамбарга ўхшайди».

Шундай қилиб, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин: Туркия, Эрон ва Афғонистон Ленин бошлиқ рус революцияси туфайлигина ўзларини Европа мустамлакачилик сиёсатининг гаразли васийлигидан ҳалос этиш ишида олга қараб жуда катта тарихий қадам ташладилар.

1924 йил.

„Венера-5“ ва „Венера-6“ автомат станцияларининг яратилганлиги ва парвози Совет космик фани ва техникасининг юксак камолотини, олимлар, конструкторларнинг талантини, инженерлар, техниклар ва ишчиларнинг маҳоратини яққол намойиш қилиб турибди. В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги бўсағасида Совет космонавтикаси эришган янги буюк муваффақият—Советлар мамлакатини илмий-техника тараққиётининг, унинг халқи ижодий ғайратшижоатининг ажойиб далилидир, космик фазони ўзлаштиришга қўшилган муносиб ҳисса садир.

ВЕНЕРА, СИНГЛИМ

Космонавтлар шохид:

Само бахрида

Жуда дилбар эмиш Ер. Ер курраси Юртимиз — гулдаста эмиш бағрида.

Юлдузлар безармиш мовий дуррасин. У кеча йўлади Синглисига совға —

Асримиз даҳоси — Ленин расмини, Бирдамлик тамғаси — Уроқ ва Болга; Токи билсин Ернинг касбини.

Кораблар учар юлдузлар сари, Метеор чангига буланган...

Аппаратуранинг қалб тепишлари Инсон қўз нури-ла Ерга уланган. Сирли, олис дунёларга элтар Шабнам ҳидин, барглар шивирин. Исёнқ нафасимиз зухроларга етар, Ахир ишонч бўлса, висол ҳам ширин!

А. МУХТОР.

¹ Бу ерда гап 1919 йида Туркияда бўлган буржуа революцияси устида бораётган.

СССРда электр қуввати ишлаб чиқариш сўнги 40 йил ичида 140 марта ўсди, АҚШда эса 13 марта.

Бизда электр қуввати 1968 йилда 638 миллиард киловатт-соатга етди.

1966 йил маълумотига кўра, Ўрта Осиё республикаларида табиий газнинг кўлами 10 триллион кубометр, кўмир эса 40,8 миллиард тоннадир.

Мустамлака Туркистонда ҳамма электростанциялар қуввати 3 минг киловатт-соатдан сал зиёд бўлган.

Чорвоқ ГЭСи арзон баҳоли 2 миллиард киловатт-соат электр қуввати берадиган иншоотлардан бири бўлади. Унинг қуввати 300 минг гектар ўзлаштирилган ерни, 150 минг гектар очилмаган қўриқни сўғоришга хизмат қилади.

1969 йилда 1 миллион 73 мингга яқин қишлоқ Ильич чирогидан нурафшон бўлади.

ЛЕНИН ЁҚҚАН МАШЪАЛ

Азиз ҲАМИДОВ.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министри

Водийларни қоплар Ильич чироғи,
Хуснига танг қолур юлдуз тўла кўк...
Бу зўр муъжизадир меҳнат бобида,
Бу куч-қудратимиз порлоқ зафари.
Биздан келажакка нузли обода,
Минг йилларга кетар унинг сафари!

Шоир ҳақ гапни айтган. Мамлакатимизни чарғон қилиш — электрлаштириш Владимир Ильич Ленин номи билан маҳкам боғлиқдир. Октябрь инқилобидан сўнг халқимиз большевиклар партияси раҳбарлигида мамлакат хўжалиги ва иқтисодини кўтаришга астойдил киришди. Бунинг учун эса аввало бутун мамлакатни электрлаштириш лозим эди. Доҳиймиз ҳам социализмнинг моддий асосини юзга келтирувчи дастур — электрлаштириш саноатини барпо этиш галдаги вазифадир, деб унтинганди.


Доҳийнинг бу ғоясини маъқуллаб, Советларнинг Бутуроссия VIII съезди ГОЭЛРО планини қабул қилди. Бу план 10—15 йиллик даврни қамраб олган эди.

ГОЭЛРО планига кўра электростанцияларнинг қуввати 1750 минг киловатт-соатга, йилга электр қуввати ишлаб чиқариш эса 8

миллиард киловатт-соатга етиши керак эди. Социалистик энергетиканинг ўсишида ГОЭЛРО плани бўйича нуйидаги тадбирларни амалга ошириш мўлжалланди:

1. Энергетикани плани йўсинда тарақий эттириш характери.
2. Саноатга хизмат қиладиган электростанциялар қувватини марказлаштириш.
3. Маҳаллий ёнилғи билан ишловчи йирик агрегатли нучли электр станциялар қуриш.
4. Мамлакатнинг сув бойлигидан ҳар еқлама фойдаланиш.
5. Юқори вольтли электр линиялари ўтказиш, электростанцияларни ягона умумий ҳалқага бирлаштириш.
6. Электр қувватидан бир тегиш ва рационал фойдалана бориб, мамлакатнинг миллий ҳамда орқада қолган районлари хўжалигини тиклаш.

Совет энергетикаси ҳозиргача Ленин кўрсатмалари асосида тарақий қилиб келаётир. Россия электр энергияси ишлаб чиқариш жиҳатидан инқилобгача жаҳонда саккизинчи ўринни эгалларди. Ҳозир мамлакатимиз бу соҳада АҚШдан кейин жаҳонда иккинчи ўринда туради. Энергетикамизнинг ўсиш суръати



эса АҚШнидан анча зиёддир. Агар Америка Қўшма Штатларида 40 йил ичида электр энергияси ишлаб чиқариш 12—13 марта ўсиб, 1968 йили 1,2 триллион киловатт-соатга етган бўлса, СССРда (Гражданлар ва Улуғ Ватан уруши берган талафотларга қарамай), электр қуввати ишлаб чиқариш 140 мартадан зиёдроқ кўпайди ва ўтган йили 638 миллиард киловатт-соатга етди.

Совет энергетикаси техник жиҳатларининг тараққиёти бўйича жаҳонда биринчи ўринга чиқди. Бу энг аввало, гидроэнергетика қурилиши ва алмашиб турувчи ҳамда доимий қувват оқувчи узоқ масофали электр линияларининг қурилиши билан белгиланади.

Ленин ёлларининг тантанасини Урта Осиё республикалари энергетикасининг юнсалювида ҳам энг нурли мумкин. Урта Осиё энергетика манбаларга бой шартли ҳисобларга кўра энгилги 109,8 миллиард тоннага етди. Булар— гидроэнергия, нефть-газ ва кўмирдан иборат.

Ҳали жуда кўп қазилмаларнинг қизилари энг таяёр. Ҳар ёқлама геофизик изланишлар ва қидирувларнинг кейинги ўн йилдин натижаларини таҳлил қилганда, Урта Осиё табиий газ бойлиги жиҳатидан Совет Иттифоқида биринчи ўринни эгаллайди. 1966 йилда табиий газнинг миқдоси 10 триллион кубометрдан ошди.

Урта Осиёда табиий газдан унумли фойдаланиш имконияти катта. Нефть бойлиги жиҳатидан ҳам эътиборли маънога эгамиз. Ўзбекистон нефть қазилмаларининг ҳаммига нўра фақат Туркманистондан кейин туради. Қорақўмининг шарқи-жанубий ва Туркманистоннинг шарқи-жанубий қисмида ҳам нефть бойлиқларининг яна топилиш эҳтимоли бор.

Кўмир бойлигининг миқдори Урта Осиёда 40,8 миллиард тонна. Айниқса, Оҳангарон кўмир ҳавзасидан жуда катта ҳамда кўмир очқи усул билан қазиб олинаётган.

Мустамакка Туркистон чор Россиясининг ҳам ашё базаси эди, холос. Ишлаб чиқариш, саноат орқада қолган, энергетика тараққиёти толмаганди. Уланинг ҳамма электрстанциялари қуввати 3 минг киловатт-соатдан салгина кўп, йиллик электр қуввати ишлаб чиқариши эса 3 миллион киловатт-соат эди. Бу — аҳоли жон бошига бир киловатт-соат электр қуввати, деган гап.

Улуғ Октябрь инқилоби Урта Осиё республикаларига янги ҳаёт — социалистик индустрия қуриш йўлини очиб берди. Республикада иқтисоднинг юксалиши ҚОЗЛРО планини татбиқ қилишдан бошланди. Туркистон ўлкаси учун бу планинг баъорилиши фақатгина сугорилиш иншоотларини кўзда тутмай, айни маҳалда гидроэнергетика маъсадларини амалга оширишни ҳам кўзлаган эди. Айниқса, мамлакатимизнинг «оқ олтин»га бўлган эҳтиёжини қондириш учун пахтачиликни ривожлантириш зарурий шартлардан бири бўлиб қолди.

Пахтачиликни юксалтириш маъдан ўғитлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, сув иншоотларини кенгайтириш, ҳужалик машиналарини етказиб бериш, пахта тозалаш, тўймачилик ва ёр саноатини юзага келтириш каби чоралар билан узвий боғлиқ эди. Буни фақат энергетиканинг кўмаги билангина юзага келтириш мумкин.

Урта Осиёда энергетиканинг қад кўтариши 1926 йилдан, яъни энг агрегатли, қуввати 2 минг киловатт-соат Бўзус гидростанциясини фойдаланишга топширишдан бошланди. ГЭСни қуришдан маъсад фақат коммунал хўжалик эҳтиёжларининг қондириш бўлмай, балки Урта Осиёда саноатни кўтаришга туртки бериш, жумладан, Тошкентда қишлоқ хўжалик машиналари етказиб бериучи — Тошселимаш заводини қуришга хизмат қилдириш эди. Шундан кейин, кўп ўтмай, Ўзбекистонда Чирчиқ, Бўзус, Тожикистонда Варзоб, Қирғизистонда Аломидин ГЭСлари қурилди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Урта Осиё республикалари олднда янги мангавор вазифалар турарди: ўнлаб йирин жаҳаларда энг қурилишларни бошлаб юбориш керак эди. Бу эса Совет Иттифоқи саноати қудратини оширишда маълум силиши, улуш бўлиб қўшиларди. Заводларнинг электр қувватига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун Чирчиқ-Бўзус транзитни тўла ўзлаштириш ишлари қурилди.

Маъаққатли уруш йилларида Сирдарёда 126 минг киловаттга эга бўлган улкан Фар-

ход ГЭСини қуриш бошланди. Бу қурилиш энг саъоатининг ўсишида, қизман Чирчиқ электрхотимия комбинатининг кенгайишида, кўмир ва рангли маъдан саноатининг юксалишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фарход гидроузели айни вақтда 500 минг гектардан зиёд чўлу биёбонни боғ-роғларга айланттиришга хизмат қилди.

40-йилларда Оҳангарон водийсида кўмир қони топилиди. Бу топила урушининг қизгин даврида энгилги билан ишлайдиган яна бир нурхона — Оҳангарон ГРЭСини қуришга имкон берди. Бу ГРЭС 600 минг киловатт-соат қувват беради.

Кейинги йилларда табиий газнинг қўлга кириши Урта Осиё ва жанубий Қозогистонда энергетикани юксалтиришга имкон берди. Ана шу манбага таяниб, Тошкент, Навоий, Тахиташ, Жамбул ГРЭСлари қурилди. Ҳозир уларнинг қувватини ошириш юзасидан иш олиб бориламоқда.

Гидроэнергетика қурилиши соҳасида йирин вазифалар ҳал қилинмоқда. Газ энгилги сифатида катта имкониятларни очиб берди. Йирин ГЭСларнинг доимий қувватини сақлаб қолиш маъсадида Урта Осиё тоғ дарёлари оқимининг муътадиллигини таъминлаш масаласи ҳам бор. Бунинг учун эса Чирчиқ дарёсида Чорвоқ, Ў.шх дарёсида Норан, Норин дарёсида Тўхтагул ГЭСларини қуришга киришилди.

Чорвоқ ГЭСи 300 минг гектар ўзлаштирилган ерни, 150 минг гектар очилмаган қўрқини сугорилишга хизмат қилди ҳамда арзон баҳода 2 миллиард киловатт-соат электр қуввати беради. Норин ГЭСи эса Тожикистонда сугорилишларини мислсиз кенгайтиради. Жумладан, Тожикистонда 300 минг гектар майдон, Ўзбекистонда эса 1 миллион гектар майдон сугорилди. Электр қуввати ишлаб чиқариш миқдори эса 11,4 миллиард киловатт-соатга боради. Тўхтагул, Тошкўмир, Учқўрғон ГЭСларининг қурилиши чўлу биёбонларни яшил либосга буряйди.


Айниқса, Амударёда Туямўйин гидроузелининг барпо этилиши Ўзбекистон ва Туркманистонда 300 минг гектарга яқин ер ўзлаштириш имконини беради. Гидростанция қуввати эса 200 минг киловатт-соатга етди.

Кейинги йилларда, электр қувватига талаб кўчайиши натижасида барча электр линияларини янча қалъига бirlаштириш кўзда тутилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ юқори қувватли электр узаткич ва энгич станциялар қуриш пайти келди. Урта Осиё энергия тармоқларини лойиқхалаш қўйиладиганча, яъни Норан ГЭСи — Регар — Ғузур — Сирдарё ГРЭСи — Андижон — Тўхтагул ГРЭСи — Фрунзе ГРЭСи бўйлаб ўтди. Ғузурдан Бухорога, Сирдарё ГРЭСи трассасидан Тошкент ГРЭСига, Чимкент — Жамбул ГРЭСи — Луговал ва Фрунзега йўналди.

Урта Осиё ва Жанубий Қозогистон республикалари учун бундай янча бirlашган ҳалқани ташкил этиш жуда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ҳамда лойиқхалаш институтлари олднда Урта Осиё ва Қозогистон эҳтиёжини қонлайдиган электр қуввати билан 1975—1980 йиллар мобайнида таъминлаш вазифаси турибди. Бу йилларга келиб электр қувватининг 128 миллиард киловатт-соати саноат аҳамиятига эга бўлади.

Электр қувватининг кўп қисми қишлоқ хўжалигида, жумладан сугорилиш насос қурилмалари, машина каналлари қуришда қўл келди. Бу ишларнинг катта қисми Амударё воҳасида баъорилди: жумладан, Қарши чўли, Бухоро воҳаси, Сурхон, Шеробод водисини, Қорақўл воҳаси ва Тожикистондаги Ташробат, Қоравултепа далалари ўзлаштирилди. Сирдарё воҳасидаги Мирзачўл ва Фарғона водийлари сув билан тўла қондирилди. Умуман, Ўзбекистон ва Тожикистон қишлоқ хўжалиги учун Урта Осиё республикалари ва Жанубий Қозогистонга бериладиган электр қувватининг 80 процентидан кўпроги сарф бўлади. 1975 йилда қишлоқ хўжалиги учун 1967 йилда 1,3 миллиард киловатт-соат ўрнига 7,8 миллиард киловатт-соат электр қуввати сарфлашининг энгилги бу фикрни далиллайди. Бу йилларда коммунал-маиший соҳаларда ҳам электр қувватидан унумли фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги учун узоқ йиллар давомида нам қувватли дизель ва энгич иншоотлардан фойдаланиб келинди. 50-йилларга келиб, электр қувватини тартибга солиш, ли-



нияларни бир-бири билан боғлаш натижасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги йирин марказлаштирилган электр қувватига эга бўлди. Ишлаб чиқариш ҳамда маданий-маиший ишларни намунали йўлга қўйиш учун колхоз ва совхозларга электр тармоқлари ўтказиш ишлари авж олди. Бу ишлар ҳар томонлама лозими равишда амалга оширила бори. Айниқса 1962 йилда, Энергетика ва электрлаштириш министрлиги қоидага қишлоқ хўжалигини электрлаштирувчи ва энергетика ташкилотларини бirlаштирилгандан сўнг, бу соҳадаги ишларга жадал киришилди. Буни кейинги йилларда, айниқса, Ўзбекистон қишлоқлари мисолида рўй-рост кўриш мумкин.

1968 йилда республикамизнинг 948 колхоз ва 219 совхозидagi электр тармоғи орқали 1043 колхоз ҳамда 312 совхоз электрлаштирилди. Шу йилнинг охирига бориб, 1 миллион 72 минг 857 қишлоқ хонадонни Илйич чирогидан нуралашон бўлади.

Ҳали олдимизда бир қатор муҳим таъбирлар турибди. Ўз-ўзидан маълумки, умумий ҳалқа қурчилиши муносабати билан «Узсель-электрострой» маҳкамаси зиммасига колхоз ва совхоз меҳнаткашларининг уйлариини электрлаштириш бўйича жуда кенг миқёсда иш олиб бориш масъулияти юкланган. Иш миёсининг бу даражада кенгайиб бориши қўшимча яна би маҳмама тузишни тақозо қилмоқда. Шунингден, республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг областлардаги бошқармалари ҳам колхоз-совхозларини электрлаштириш бўйича зарур лойиҳаларни ўз вақтида етказиб бераёттирлар. Натижада қишлоқ хонадонларини марказий электр тармоғига улаш орқага сурйиб кетаяпти.

Энди мен электрлаштириш ва энергетиками соҳасида нообонлиб кўрсатиб меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларимиз ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Тошкент шаҳар трестидagi электромонтёрлар бригадери А. Шунуров, Фарғона электр трести бош мастери Ҳамиджонов, Андижон электр ҳалқалари муассасаси мастери С. Воҳидов, Андижон электр ҳалқалари хизмат кўрсатиш муассасаси бошлиги А. Иброҳимов, Тошкент ГЭСи гидроэҳтининг бўёқчиси Л. Тожиқўнаева, Бўзус ГЭСининг маашинисти Р. Пидаво сингари ўнлаб меҳнатсеварлар ўз насб-қорини шарафлимоқда.

Урта Осиёни, жумладан Ўзбекистонни ёлпасига электрлаштиришга яқин қолди. Йли электрлаштириш — ишлаб чиқаришни кенг миқёсда механизациялаш ва автоматлаштириш, деган гап. Бу Ленин орзуларининг рўёбга чиқиши, коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо қилиш деган сўз.



МИРЗАЧҮЛ ДА ЛЕНИН ИЗЛАРИ

ҲАЙКАЛ ОЛДИДАГИ УЯЛАР

Икки четиға камалак нуска неон чироқлари ўрнатилган кенг кўча-нинг чап юзидаги катан-катан гулзор, гилла тўшалгандай товланиб кўринади. Гулзорнинг ҳар жой-ҳар жойига қўйилган беқасам нуска скамейкаларда янқа-ёлғиз одамлар ўтиришибди: бирови газетани кўлочлаб, унга тикилганча миқ этмайди, бошқаси йўлкада уч гилдиранкли велосипедни у ёндам-бу ёнқа миниб ўйнаётган жанжи неварасига завқиланиб боқсади. Сумка кўтарган бўйдор аёл эса, бу ерга биринчи келиши шекилли, гулзор тўридаги улкан монументга тикилганча сениллаб ўтпоти.

Рўпарадан ориқ, бир оз бунқайган мўсафид асфальтни тап-тап босиб келарди. Бир боғлам дала гулини тутамлаб олган. У бўйдор

аёлға, теракнинг учига қараётгандай, бир ёни билан бурилиб тикилди-да, индамай гулзор томон юрди. Одим ташлаганида кифтлари гоҳ пастлаб, гоҳ кўтарилар эди.

Тўғри ҳайнал олдиға борди. Оёғидаги кавишни ечиб, зинаға маҳсичан қадам босди. Майдондаги оёсийшталини бузиб қўйишдан ҳайқандай ҳайкал пойидаги гулдасталар қаторига атаган гулларини оҳиста қўйди. Сўнғ, яна аста тисарилди-да, зинадан тушиб, кавишни нийди. Қадини ростлаб, юқорига қаради. Чорқирра гранит тепасида ўйчан боқиб Ильич турарди.

Кенг пешана... Қирқ тўққиз йил бурун Кремлдаги кабинети олди-да илк бор кўрганида ҳам худди шундай эди. Узгармабди. Узгармабди! Ҳеч қачон узгармайди! Доҳийнинг лаблари қимирлагандай бўлди. Нима депти? Нимани сўрапти? Хаёл уни йнғирманчи йилнинг аёзли кунлари томон етайлади.

...У пайтлар кўчға тўлган абнир йигит эди. Чор ҳукумати сафарбарлик эълон қилиб, у сингари йигитларни мардикорликка олди... У кейин инқилоб солдати бўлди. Сўнгра Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети номидиға пулемётчилар курсига юбордилар. Кремль соңчилари сафиға қўшилди.

Оғир очиладиган эшик ёнида соңчи бўлиб турарди. Бу эшикки турли-туман одамлар кириб-чиқарди. Уларнинг рухсатномасини олиб, милтиқ найзасига санчиб қўярди.

Бир нуни кечки пайт одамлар сийранлашганда Лениннинг ўзи чиқиб қолди. Соңчи ёнидан ўта туриб, тўхтади-да, салом берди. Сўнғ бошини қиялатиб кўзларини чиройли қисганича, синовчан тинилди.

- Русға ўхшамайсиз?— деди у қизиқувчан қиёфада.
- Қозоқман, Владимир Ильич.
- Мен ҳам шундайдир деб ўйлаган эдим...

У анчагача гапға тутди: халқнинг ҳаётини, кайфиятини суриштирди. Чехраси очилди.

Сўнғ ҳар гал кўрганида «Ҳа, қозоқ ўғлини!» деб ўтардиган бўлди...

Мана, ўша қозоқ ўғлини. У энди қариб-қартайган. Узининг йигитлик умрини инқилоб ишиға, халқ ишиға, ленинга голни тарғиб қилишға бағишлади. Энда хурмат-иззат топди. Пенсияда.

У ҳамон Ленин сиймосига тикилиб турибди. Бу мўтабар нексэ етисойлин Жанай Тойчиев эди.

ХУШХАБАР КЕЛТИРГАН ЖАРЧИ

Қирғоқларига харсанг тош терилган ёйиқ канал бўйидаги тоғлар сояси — чойхона. Қатор қўйилган сўрилардан бирида икки киши гурунлашиб ўтирибди. Сийран соқол-мўйловига оң оралаган мўсафид — Мурод Исмоилов, чой қуйиб ўтиргани — Иброҳим Умаров.

Улар бир-бирини кўпдан билишади, Мирзачўлда жуда кўп воқеаларнинг шохиди бўлишган. Шунинг учун бўлса керак, ҳар гал учрашганларида вақтни қизганмай куюқ хангомалашиб қоладилар.

Мана, ҳозир ҳам чойхонада гўё фақат инкови холи қолгандай, кечмиш кунларини йўқлаб ўтиришибди.

— Анчадан бери Ержар томонларға ўтмаган энанман, бирам ўзгариб кетибдими,— дейди Мурод оға.

- «Пахтанор» тарафларға ҳам бордингизми?
- Йўқ, фурсатим бўлмади.
- Э-э у ёқларни кўрмабсиз! Чўл эмас, бог-бўстон бўлиб кетган. Қаёққа қарасангиз, осма нов, сувлар шариллаб оққан, дов-даррахт гурнираб усган...

Мурод оға бошини кўтарди, осмонда алланимани пайқамочидай тикилиб қолди:

— Ҳа-а, нўзим билан кўрмасам ҳам, ақлим билан кўраман. Ҳа-демай бу чўллар, бу шўрлар, бу қамишлар тамоғ йўқолади... Эсингиз-дами, Иброҳимжон, Тошкентдан қайтаётиб ваъз айтганим? У маҳалда бир кун юрсанг ҳам қамишзордан эриб чиқолмасдинг.

Энди Иброҳимжон ҳам хаёлланиб қолди. Наҳотки эсламас! Эслайди. Ун саккизинчи йилнинг ёзи эди. Бобоси билан қамиш ўриб бир танбача ер очишган, Ҳожимат бобо омонч ушлаб, Иброҳимжон кўш етанилаган... Ушанда жиёрон отини оң кўпника ботириб, шу Мурод оға келган эди. Ушанда халқини тўплаб «Халойини, суюнчилик хабар олиб келдим, яқинда Тошкентдан инженерлар келиб, Мирзачўлга сув чиқаради! Маснова Ленин элли миллион берилсин деб кўл қўйди» деганида, одамлар аввалиға гарангисиб қолишган эди. Кейин «Шу ростми? Шу ростми?» деб бир-бирдан сўраб-суриштира бошлаган эди. Қишлоқда номи чиққан деҳқон Ҳожимат бобо Мурод оғани кўярда-қўймай отдан тушириб, уйда меҳмон қилган эди. Ушанда Иброҳимжон ўн яшар бола эди. Бобоси меҳмондан қайта-қайта сўраб, кўнгли дағи гумонини тарқатгани эсида.

Кўп ўтмай босмачилар келиб, Ҳожимат бобони «большавойлар билан тилинг бир» деб ўлдириб кетишди. Иброҳимжон поездаг осилиб Тошкентга қочди. У ерда етим-есирлар кўчаларда гала-гала юришарди, Иброҳимжон ҳам ўшаларға қўшилди.

Бир нуни совуқдан аъзо-бадани ёниб, бирпас исиб олгани воқеала борганида бир тўп ҳарбийлар кириб келди. Иброҳимжон кўрқанди, дан бақрайиб туриб, бирдан салпчи кетди: ҳарбийлар орасида Мурод оға борарди. «Мурод оға!» деб қичқирганини сезмай қолди. Ҳарбий кийимдаги таниши тўхтаб, унинг чанг босган кийимига, юзига узоқ тинилди, охири «Ие, бу ёқларда нима қилиб юрибсан, бола?» деб ҳол сўради. Бобосининг халок бўлганини эшитиб, кўп ачинди. Сўнғ Иброҳимжонни бошлаб бориб, болалар уйига жойлаштириб қўйди.

У рабфақда ўқиди, инженер-ирригатор бўлди. Ушандан бошлаб, бутун ҳаётини Мирзачўлни сугориш ишиға, Ленин имзо чеккан Декретни амалға оширишға бағишлади...

— Иброҳимжон, чодни ичинг, совиб қолди,— деди кулиб Мурод оға.

— Ҳа-я,— деб пёбладаги чойни хўплади Иброҳимжон ака. Сўнғ кўнглини ёрди:— хаёл суриб қолибман.

— Шунанқа, мен ҳам гоҳ ўйлаб нетаман. Бир нуни келиб, ёшларға «Бу жойлар илгари ёввойи дашт эди, ҳеч энин битмасди» десалар, ишонмай кулиб ўтиришадиде, Иброҳимжон!

— Ҳозир ҳам «Сирдарёдан ўтиб, Гулистонга бора-боргунча темир йўлнинг икки ёғи қалин қамишзор эди» десангиз, ишонинмайди.
 — Ҳа, афсона бўлиб қояпти бу чўл. Бу ўша Декрет шарофати-дан, Иброҳимхон. Шундоқ эмасми?
 — Шундоқ. Ҳарқалай, биз жуда бахтнёрмиз, Мурод ога!
 — Ҳўш-хўш?
 — Ушаддай улуг хушxabарни Мирзачўлга сиз олиб келгансиз, мен биринчи марта сиздан эшитганман.
 Бу мақтур ёқиб нетдим, Мурод ога тишсиз оғзини катта очиб машъа қилиб кўлди.

САҲРОДА ОРОЛ

Унга бу номни ким нўйганлигини аниқ айтиш қийин, аммо ним бўлишдан қатъи назар, қойил бўлиш керак. «Пахтаорол». Дарҳақиқат, у ёғдан бу ёғигача ҳатто қуш учса толиқадиган кенг чўлда бир Лахтан ер очиб, унга жайдарни чигит қадаш, ўша пайтда катта жасорат эди. Чор тарафдан қамиш ўраб, шўр қисиб турган шароитда бу овлоқ жойга деҳқончилик қилгани келишнинг ўзи бориб турган мардлик эди. Эҳтимол, ўша марди майдонлар бир маҳал келиб кўтулғ қадими етган ерлар бутун ўлгаи ибрат-намуна майдони бўлишини, ўз номлари чўлуварлар тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилишини билангандирлар, юрак-юрақдан ҳис этгандирлар?
 Ҳарқалай, улар ўша йигирма тўртинчи йил баҳориди қўш ҳай-даб, нетмонлаб пахта экидлар. Ўз хўжалиқларига «Пахтаорол» деб ном қўйдилар. Уларнинг хоҳиш-ҳаракати партия Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг назар-эътиборида турарди. Келаси йили Америка Қўшма Штатларидан сотиб олинган ўттизта «Фордзон» маркали тракторнинг йигирма еттита Сирдарё станциясида вагонлардан тушириб олинди. Ўша кунги тую-тантананинг гувоҳи бўлганлар ҳали ҳам бор Мирзачўлда. Қизил байроқлар, алвон шпорлар кўтариб, гулчамбарлар осылган тракторлар олида сурнай-ногора чалиб бораётган оломон чехрасидаги қувонч-шодлигини кўрганлар бор.
 Йигирма етти трактор нўк тутун бурқиситиб, «Пахтаорол» томоғ-йўл олганди ўшанда. Бу қингир изли «пата-пат»лар кўпам иш бермади. Аммо орадан сал ўтмай, қўли гул рўс усталари ясаган янги, ба-қувват тракторлар кела бошлади. «Пахтаорол»нинг яқин-йироғиди «Малин», «Бойвут» сингари совхозлар пайдо бўлди.

Бугун «Пахтаорол»га борган киши совхозга кириверишдаги равоқ-йўл темир дарвоза пештоқида «Ленин орденли Пахтаорол совхоз-техникуми» деган ёзуви ўқийди. Бу ёзув янглиш эмас, «Пахтаорол» чиндан ҳам ишлаб чиқариш ўчув юрти. Бу ерда қанча-қанча ёш мутахассислар пахтачиликнинг амалий илмини, деҳқончиликка механизацияни жорий қилиш сирларини урганиб кетганлар. Қардош болгариялик деҳқонлар бола-чақалари билан келиб, икки йил давомида пахтаоролликларнинг азиз меҳмони бўлдилар, буларга шогирд тушдилар. «Пахтаорол»да орттирган тажрибаларини Янбол, Хасново округи далаларида татбиқ қилишляпти.
 Совхоз марказида «Пахтаорол» тарихи анс эттирилган ажойиб музей бор. У ерда биринчи марта ерга омон солган деҳқоннинг, биринчи директорнинг, биринчи агрономнинг, биринчи тракторчининг, биринчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг суратларини кўрасиз. Музей залида «Фордзон» тракторининг модели ҳам турибди. Унга боқиб туриб, уни совхознинг ҳозирги хилма-хил техникасига хаёлан солиштирганнингизда, мана шу қирқ-қирқ беш йил орасида нақадар илгарилаб кетганимизни кўз олдингизга келтира оласиз.

УЗОҚДАН КЕЛГАН ЧИНОР

Учтомдан ўнгга бурилиб, Ержарга борилганда аввал ўн еттинчи, сўнг ўн саккизинчи совхоз келади. Улардан ўтиб, ўн тўнқизинчи «Андиджон» совхозига бир қақиримча қолганда, катта йўлнинг ўнг томонида озодагина шийпон учрайди. Атрофи нуқул мевали дарахт. Йўл билан шийпон оралигидаги осма новнинг шундоққина ёнида олти туп ёш чинор ниҳоли шапалоқ баргларини офтобга тўтиб турибди.
 Мирзачўлда нима кўп — гуркираб ўсаётган дарахт кўчатлари кўп. Ҳўш, шундай экан, олти тупгина чинорни мадҳ этишдан мудоао нима? — дерсиз, эҳтимол.
 Бу чинорлар Асақанинг нарёғидаги Марҳамат қишлоғида қаламча қилиб экилган эди. Уларни Андиджоннинг бўз йигитларидан Мамажон Дадажонов яхши ният билан томорқасида ўстираётган эди. У ўғил кўрган, шунинг қувончига экан эди уларни.
 Чинорлар ҳадемай буй чўзиб, уч дафъа баргини янгиллаганида Мамажоннинг кўнгли Мирзачўлда ишлашни кўмсаб қолди. Негаки, партия ва ҳукуматимиз Мирзачўлни ўзлаштириш ишига тагин ҳам кўпроқ эътибор бера бошлаган, омилдор пахтаоролларни янги ерларга қориб ишлашга даъват этаётган эди. У Тошкентда бўлиб ўтган катта йигиндан қайтибди, кўнглидаги ўйини Ленин район партия комитети секретарларига айтди. Улар Мамажоннинг хоҳишига қаршилиқ қилмадилар.
 Мирзачўлга нўмай туриб, томорнадан олти туп чинор кўчирди. Уларни чипта қопга мақкам ўраб, «Волга»сининг ўнг биқинига боғлаб олди. Ёнига кўчат боғлаган енгил машинани одамлар ўша кунни Марғилонда, Қўқонда, Қонибодомда, Ленинободда, Бенободда, Янгирда кўрган бўлишлари керак.
 Мамажон «Андиджон» совхозига келди. Уни катта йўл бўйидаги бригадага бошлиқ қилиб тайинладилар. Ўша кунинёқ шийпон оқрасига, осма нов ёнига кўчат тина бошлади. Чинорнинг уч тупини экиб бўлганида, совхоз марказидан ёш бир қозоқ йигит мотоциклини чопириб келди. У олдиданоқ «Мамажон ана, суюнчи беринг, Қаҳрамон бўлибсиз!» деб қичқирди.
 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони эгасини янги ердан топган эди.
 Чинорлар буй чўзган сари Қаҳрамоннинг кўнгли ўсди. Мамажон Дадажонов ҳозир янги жойда — 11-совхозга директор. У Гулистонга ё Тошкентга борганида ҳар гал шу йўлдан юради, шийпон оқрасидаги бўлиқ чинорларига соғинч ва меҳр билан қараб ўтади.


Касби — пахтакор, механизатор, синовчи. Ҳаммасини бир вақтнинг ўзида бажаради. Аммо бир «айби» бор: нотиж эмас. Шундай бўлса ҳам катта-кичи йигинларга уни албатта қақиринилади.
 Икки марта телевизорда гапирганини кўрганман. Ҳар сафар қий-налиб, терга ботиб, аранг сузлаган, саратоннинг иссиғида далада ишлаб ҳам бунчалик терламагандир.
 Аммо ишни беаами-кўст қилди. Ихтирочи инженерлар пахтачиликка хизмат қиладиган машина ё механизм яратсалар, биринчи нусха-сини унга беришади. У ўз даласида синайди. Бу нарса баъзан ишига фойда келтиради, баъзан — зарар.
 Инженерлар икки қаторли терим агрегати яратишди. Биринчи нус-хасини унга беришди. Кейин шу машинанинг тўрт қаторлаб теради-ганини келтиришди. Уни ҳам бақонибди синовдан ўтказди. Агроном-лар нег қаторлаб чигит эканда пахта ҳосилининг ортишини айтишди.
 Бу тадбирнинг тўғрилигини амалда исботлаб беришни ундан илтимос қилишди. Қатор оралигини бир метрдан қўйиб чигит экиди. Инженерлар шунга мослаб трактор, механизм ясадилар. Тахмин тас-диқланди — пахта ҳосилдорлиги ортди.
 Турли-туман синовлар даврида унинг билими ўсди, малакаси ор-ди, тажрибаси бойиди. Бора-бора у инженерлар яратган машиналарни фақат синабгина қолмай, уларнинг намчиликларини топадиган, топиб-гина қолмасдан ўша етишмовчиликларни қандай бартараф қилиш йўл-ларини айтиб турадиган мутахассис бўлиб етишди. Конструкторлар унинг финч-мулоҳазаларига нулоқ соладиган бўлдилар. Шундай қи-либ, оддий бир деҳқон йигит конструкторлар бюросининг, катта кол-лективнинг фаол аъзоси бўлиб қолди.
 У сингаган терим машинаси пахтакорларнинг оғирини енгил қилу-чи қудратли кучга айланди. Ҳамма бу агрегатга тан берди. Пахта териш машинасини яратганларга фахрий мукофот берилди. Шулар қатори бу деҳқон йигит ҳам Мирзачўлга Ленин сиймоси туширилган зарҳал нишонини ўнг кўрағига тақиб қайтди.
 Ҳаммагиз уни танийсиз: «Малин» совхозининг комплекс-механиза-циялашган бригада бошлиғи, Ленин мукофоти лауреати Жавод Кўчиёв.
 Шу йилнинг баҳориди Гулистон районидида «Коммунизм» колхози аъзолари уни ўзларига раис қилиб сайладилар.

Рустам РАҲМОН.

Сирдарё области.

Мирзачўлда сугориш иншоотлари замонавий усулда қўрила-ётганини ушбу суратдан ҳам кўриш мумкин. 1960 йилда Жану-бий Мирзачўл канали ншга туширилгандан бери 300 километр масофадаги канал ичн бетонлаштирилди, 2100 километрдан кў-проқ осма новлар қўрилди, 425 километр қувур ётқизилди. Ер-ларнинг шўрлаб кетмаслигининг олдини олиш учун 3200 кило-метр ёниқ дренаж қўрилди ва 1800 километр зовур очилди, 80 дан ортиқ тик дренаж қудуқлари ўрнатилди. Бу тадбирлар Сир-дарё областида пахта ҳосилдорлигини йил сайин ошириш им-кони ятини берапти. Ушбу суратда Мирзачўлнинг бугунги манза-раси тасвирланган.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотос.





ИЛЬИЧНИ ЎЙЛАЙМАН...

Ҳусниддиннинг бир насиби — ўрмоншунослик. Яна бир насиби — журналист. Бу наслар унга табиат мўъжизаларига ва халқ ҳаётига бевосита яқин бўлиш учун кўп ёрдам беради. Жўшқин, синчоз талант меҳнатда улғайиб, ҳақиқий шоир етилди.

Ҳусниддин Шариповнинг В. И. Ленин ҳаёти билан боғлиқ мавзулардаги поэмалари китоб-хонга маълум. Ҳозир у «Ильични ўйлайман...» деган поэтик китоб устида ишламоқда.

Ҳисор ҳикояти

«Озодлик келганмиш биз ёқларга ҳам!
Уни Ленин ўзи олиб келганмиш!»
Биров хушxabарни тияглади хуррам,
Биров дардин ютди ёғирлатиб тиш.
Кўр бўлай дегандик ёруғ кун кўрмай,
Билсак ёмон бўлмас озодлик тотини, —
Қозонга мой тўлар,

косамизга — май,
Пешанага битса — олармиз хотин.
Ҳозирча...
Отжаллоб Ваққоснинг ўғли
Бир маҳал турганди мени овлоқда;
Қисқа бўлганйи-чун қашшоқнинг қўли,
Жавоб қайтаролмай,
қолгандим доғда.
Озод бўлгач эса кишайдан қўлим,
Кўнгиш ҳам бўшасини, ушалсини армон, —
Адир этагида тўсдим-ў йўлин,
Қилдим бойваччанинг оғиз-бурнин қон.
Чўчинқираб юрдим шундан сўнг бир оз,
Лекин бекор экай ҳайиқишларим,
Дуч келиб қолганда,

илжайди Ваққос:
«Ҳа, кучга тўлибсан... Япа, жигарим!»
Яшаймиз!

Озодмиз!!
Қўлимиз баланд!
Ярайшар каттароқ ташласак одим!
Фйрда ўртоқларнинг руҳеати билан
Бойдан бир таноб ер ажратиб олдим.
Ўз еринг яхши-да!
Ёйбўшлаб ётсанг,
Гўё сингиб ветар тупроққа дардинг.
Қовуидан ширинроқ туюлар тотсанг,
Ўзинг ўз ерингдан узган кўк бодринг.
Ленинни олдаймай ҳар бир қадамда,
Елимга йўлатмай ҳасрат-полишини.
Мажлис-пажилеларда гапирмасам-да,

Дўндириб ташлайман қарсақ чалишни
Қорин катталарнинг пати юлиниб,
Иўқсул тўйган сайин

Охири
уйимга келди ялиниб
Отжаллоб Ваққосбой —
синфий душманим.

Бозор-ўчарига ёрдам бермасам
Ҳоли вой бўлишин айтиди мўлтираб.
«Попугинг пасайиб қопти, муттаҳам»,
Деб хаёл сурардим белга қўл тираб.
Ҳа, энди сўравер сўйлоқ тишингни,
«Экин»ни «текин» деб қутурган банда, —
Меҳнаткаш боқмаса оч қолишингни
Ўзинг ҳам охири тушунибсан-да!
Майли ёрдам берай тушунган бўлсанг,
Унсур бўлсанг ҳамки —
қўшимсан, қўшним...

Уфқинг юзига югурганда ранг,
Икки аравага икки от қўшдим.
Омад тилаб қолди дарвозада бой,
Икки ўғли кетди мен билан бирга.
Чорбоғлар туғайди,
Ортада қолди сой.
Мана, чиқиб бордик аста адирга.
«Ҳой, ухлаб қолдингми, отингни қича!»
Хув ўша муштхўрим бўлади тажанг.
Дейман: — эртага-ку бозор, бойвачча,
Қадамин биз билан тенг қўйиб яшанг!
«Бугунга кўчирган, — эшитмадингми? —
Бозорни севимли ҳукуматимиз...»
У ҳолда қичайман, майли, отингни,
Бўлғай бир кун у ҳам бизнинг отимиз.
Йўл сокин.

Жимирлар ложувард осмон.
Адирда лолалар қилади ишва.
Қорин гўлдирайди сўрагандай нон.
Мана, етиб келдик уч айрилишга.
Тўғрига ҳайдайман.
«Ўннга юр, ўннга...»
Ўннга? Восмачилар нингами? Иўқ!
Бирдан бойваччалар ёппишди менга
Хириллаб: «Ерга бос! Киндигига сўқ!»
Танимни тупроққа белашди итлар,
Сўнг судраб кетишди мени жар томон.
Қайрағоч барглари тепамда титрар,
Бўғзимда жон титрар, бўйнимда — арқон.
Сўкаман... Ўзимни сўкаман аммо,
Ожиз бузоқдан ҳам гўллигим учун,
Умид қилибман-а

кенг бўлса дунё
Лочинга айланиб қолар деб қузгун!
Майли...
Айб ўзимда...
Ос энди тезроқ!
Қарс этди...
Шоҳ эмас,

милтиқ эди бу.
Бойваччанинг бири тишлади тупроқ,

Иккинчиси қочди.
Бошланди «қув-қув!»...
Аскарлар! Қизиллар!
Тўплари ҳам бор...
Чопиб келишарди тета ортидан...
Чарм чопон кийган кўк кўзли сардор
Енимга келди-ю,

тушди отидан.
Жилмаир эди у, нимадир дерди,
Тилмоч маъносини берарди айтиб:
— Булар босмачини? Боплаймиз энди.
Ерингни ҳайдайвер уйинга қайтиб...
Демак,
Мақон қилиб шунча кун жарни,
Улар кутган экан омад қушини.
Аравага босиб бойваччаларни,
Ўннга —

тоққа юрди Ленин қушини.
Ленин? Ҳа, ўзи, ана!. Кетяпти...
Барваста... эҳ, гўллик қилиб яна,
Елкамда турганда оловдай кафти,
Ташаккур айтишни унутибман-а!
Қанот боғлаб қайтдим қишлоққа илдам,
Бошим омон қолди, —

юрак, яйра, тош! —
Ҳа, янги ҳаётни қурмоқ учун ҳам,
Дўпли киймоққа ҳам керак бўлар бош!
Яхшики ўшанда бахт кулиб боқиб,
Омон қолган экан оёғим, қўлим, —
Бой «қулоқ» бўлганда супрасин қоқиб,
Тўғрилаб ҳам қўйдим Сибирга йўлини.
Охири ушалди кўзим армони,
Ленинни,

ҳа, унинг суратин кўрдим, —
Қадди ихчамгина,
Кийимни один,
Ҳайрат кучоғида термилиб турдим.
Билсам,
ҳеч тақмаган экан у қилич,
Савлат ҳам тўкмаган экан у отда,
— Халққа тинчлик керак! — дер экан
Ильич,
— Ер керак! — дер экан аниқ ва содда.
Унинг сўзин тутиб байроқдай баланд,
Қаддини кўтарар экан ёш-қари.
Ленин битта экан,
Қўшини беҳад,
Ўзим ҳам эканман Ленин аскарни.

Норейзда

Ленин ҳайкали

Тоғлар ҳам, боғлар ҳам шу ерда тугар,
Етар қора денгиз пастда чайқалиб.
Денгиз уфқидан ҳам кўриниб турар
Соҳилда юксалган Ленин ҳайкали.

У сергак тўлқинлар жимирлашини
Томоша қилиш-ла банд эмас бу он,—
Фикр индай чулғаб,
Сударди уни
Денгиз ортидаги ўлкалар томон.
Унинг нигоҳидан

уйғонар тарих,
Сувнинг сийвасида уйғонар излар
Ва намоён бўлар
Апельсин янглиғ
Кемага ортилган заъфарон қизлар.
Қора тун бағрида қора кемада
Элтар ёт соҳилга тақдир кўчаси,
Бирин уйи қолган Украинада,
Белоруссияда бирин гўшаси.
Замона

нисонни ўйнаб худди хас,
«Нон» десанг,

қўлингга тош тутарди тоғ.
«Қиз ўғриси» бўлмоқ тавқи-лаънатмас,
Не-не эркакаларга касб эди у чоғ.
Тўсолмас уларнинг йўли дарёлар,
Ботиб ҳам ўлмасди ўғрилар қумда.
Юрагин ҳовучлар эди барнолар
От дупур-дупури ашитса тунда.
Шўрлик гўзалларни эгарга босиб,
Юртига қайтади ўғрилар мамнун.
Корензда¹ эса,

қирғоқда писиб,
Кемалар кутади уларни ҳар кун.
Кейин қиз ўғриси қўлига ўтар
Кемачи келтирган вазмин ҳамёнлар.
Ердан оёқ узиб,

қулликка кетар
Ҳознинг тўш паридай нафис жононлар.
У ёғи —

тўлқинда кеманинг изи,
Чайқалиб,

лангар ҳам,
бел ҳам
майишар...

Илмли кишилар

Қора денгизни
Энг шўр ва хатарли уммон дейишар.
Чак-чак томар экан мовий нахрга
Рус, татар, белорус барнолар ёши,
Денгиз айланмайди ахир атирга,
Намақоб бўлмасдан борми иложи.
Бу ерга кўп келар сайёҳлар ҳозир,
Ошиқ-маъшуклар сайр этар хурсанд.
Еллар бахш этади жонингга ҳузур,
Офтоб нақш битади денгизга нурдан.
Ленин ҳам уфқдан кўз узмас бир дам,
Лекин маҳлиёмас оқ булутларга,—
Боқар

тепасига ой қўниб турган,
Қўёши чиқмаган йироқ юртларга.
Билар,

у чўрилар оламдан ўтган,
Ўғри ҳам
қуриган

эвалак каби;

Аммо, тирик ҳамон
Ўша қон ютган
Бахтсиз барноларнинг эваралари.
Ўртада уммону дунё тўлғонур,
Улар эзгу юртга қайтиб келолмас.
Бизнинг қўёшимиз сочиб турган нур
Улар гўшасига етиб борса бас.
Ҳали қанча одам зиёга ташна,—
Доҳий шуни ўйлар чимирганча қош.
Қора денгиз эса қилар карашма
Лениннинг пойига уриб бош.

¹ Коренз — Қримда. Қора денгиз соҳилида-
ги қишлоқ.

«Гулистон» гурунги

ЛЕНИН ТОМЛАРИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қoшидаги Давлат
Матбуот комитетининг раиси Э. И. Есенбоев билан суҳбат.

— Зиёд Исломович, аввал республикамызда Владимир Ильич Ленин асарларининг нашр этилиши ҳақида гапириб берсангиз.

— Доҳиймиз туғилган кунининг 100 йиллигига қизгин тайёргарлик олиб борилаётган шу кунларда бу савол жуда ўринли. Бошқа қардош республикалардаги сингари, бизнинг Ўзбекистонимизда ҳам В. И. Ленин асарлари бир неча ўн йиллардан бери кенг миқёсда нашр этилмоқда. Меҳнаткашларнинг доҳий асарлига бўлган катта талабини қондириш ҳозир ҳам матбаамизнинг энг муҳим вазифаси бўлиб турибди. Республикамызда В. И. Ленин асарлари ҳозиргача 6 миллиондан кўпроқ нусхада нашр этилди, шулардан 5 миллион 462 минг нусха— ўзбек тилида чиқди.

Доҳийнинг ўзбек тилида нашр этилган 319 номдаги асари республикамызининг барча шаҳар, қишлоқ, қурилиш, корхона, колхоз, совхоз, мактаб кутубхоналарида ўқилмоқда.

В. И. Ленин асарларини таржима қилиш, илгариги таржималарни мукаммаллаштириб қайта нашр этиш давом этмоқда, бу ишга илмий-текшириш муассасалари, энг яхши таржимонлар жалб этилган. Лениннинг кўпгина муҳим асарлари республикамызда қайта-қайта нашр этилмоқда, шу жумладан, «Ешлар союз-

нинг вазифалари» — 22 марта, «Нима қилмоқ керак» — 10 марта, «Марксизмининг уч манбаи ва уч таркибий қисми» — 7 марта қайта нашр қилинди.


Республикада Владимир Ильич Ленин асарлари маймуасининг 40 томлиги, Таяланган асарларнинг эса 2 ва 3 томлиги босилиб чиқди.

— В. И. Ленин асарлари маймуасининг бешинчи нашри қандай аҳволда?

— Бу нашр 55 томлик бўлади. Уни нашрга тайёрлаш ва босиб чиқариш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қoшидаги Партия тарихи институти билан «Ўзбекистон» нашриётига топширилган, мўлжалимизча бу катта иш 8—10 йил мобайнида тугалланади.

— Юбилейга атаб чиқариладиган бошқа китоблар ҳақида ҳам бир неча рақам келтирсангиз.

— Ўзбекистон нашриётлари бу йилнинг ўзида юбилей маркаси билан элликка яқин китоб ва 15 та рағли плакатлар чиқарадилар. Буларнинг тиражи бир ярим миллионга етади. Нашриётларимизнинг ҳар йили 30—40 миллион нусха китоб чиқараётганини ҳисобга олганда, бу, албатта, унча кўп эмас. Аммо биз юбилей нашрларининг сифатига алоҳида аҳамият бермоқдамиз.





«В. И. ЛЕНИН ВА Д. СУХЭ-БОТИР
БИЗГА МЎҒУЛ ХАЛҚИНИНГ БУЮК СО-
ВЕТ ХАЛҚИ БИЛАН БИРЛИГИ ВА ДУСТ-
ЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИ ВАСИЯТ
КИЛГАН ЭДИЛАР. МЎҒУЛИСТОН ХАЛҚ
РЕСПУБЛИКАСИ ВА УНИНГ МАРКСЧА-
ЛЕНИНЧА АВАНГАРДИ БУЛГАН МЎҒУ-
ЛИСТОН ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИОН ПАРТИЯ-
СИ БУ МУҚАДДАС ВАСИЯТГА ҲАМИША
СОДИҚДИРЛАР.»

Ю. ЦЕДЕНБАЛ.

Ўзбекистонда Мўғулистон кунлари

Д. ПУРЭВДОРЖ,
мўғул шоири.

ЛЕНИН

Дарёдек узлуксиз оққан кишилар
Сафида оҳиста бораман мен ҳам.

Бораман оҳиста...
Қалбим олқишлар:

— Ленин!

— Ленин! — дейди юраклар шу дам.
Танишу нотаниш кўзларда мағрур —
Муҳаббат, қатъият, ишонч ёнади.
Кремль юлдузи сочиб умид — нур,
Истиқбол уфқида минг товланади.
Ана у мақбара!
Муқаддас даргоҳ,
Шу даргоҳ орқали Кремлга боқ,
У ерда доҳийиниз яшаган уй бор.
Шу уйда фахримиз мард Сухэ-Ботир
Ленин-ла суҳбатдан бўлган


миннатдор.
Халқимиз эшитиб Ленин доврўгин
У билан доҳийга нома йўллаган.
Ва ундан ўрганган ҳаёт йўригин,
Доҳийининг ўзи ҳам бизни қўллаган.
Шу мактуб туйфайли мўғул халқи ҳам
Тақдирин умрбод ёруғ, бахтиёр.
У деган: қардошлар, ҳақиқ-ҳуқуқинг
Меҳнату жангларда топгуси қарор!
Даҳоси нури-ла мунаввар замон.
Теграсида Москва чароғон!
Бошида умрбод фахрий посибон
Жангларда музаффар қип-қизил

байроқ!
Бизга ҳақиқатдай азиз, муқаддас.
Нуридан Кремль юлдузи порлоқ!
Бу қайноқ қалбимда яшайди Ленин!
Мардларни курашга бошлайди Ленин!
Бор экан муқаррар жумлан жаҳон
Барҳаёт! Барҳаёт бу улуг инсон!

ШУҲРАТ тарнимаси.

УЛАН-БАТОР Сухэ-Ботир ҳайкали.
Амгалаи гравюраси.

ИЗЛАШ, КАШФ ЭТИШ ЙЎЛИДА...



Газетада филология фанлари доктори, профессор Фулом Каримовнинг «Ҳаётбахш анъаналар» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Бунда геннал шоир ва мутафаккирининг кейинги асрлардаги адабиётимиз ривожига катта ўрин тутган анъаналари ҳақида гап борар эди. Мақолада янги муаммолар қўйилган, Навоий анъаналарини туғдирган сабаблар очиб берилган, ўзбек классик шеърятининг катта масалалари янги талқин этилган эди. Буюн ўзбек шоири инжодининг шарҳ халқлари адабиётигагина эмас, балки гарб адабиётига ҳам зўр таъсир нўрсатганини пухта манбаларга талқин исботланган; Алишер Навоий ва жаҳон адабиёти деган мавзуну ўртага қўйиш ва бу ҳақида махсус текширишлар очиб бориш пайти нелганини айтилган, навоийшунос олимларимиз янги, катта ишларга даъват этилган эди. Автор ўзбек классик шеърятда, айниқса, Навоий поэзиясида кўп учрайдиган, адабиётшунослиқда кейинги вақтларга қадар унчалик тўғри баҳоланмай нелган бир жиҳатга янги талқин киритади: лирик қаҳрамонда учрайдиган алам-ҳасрат мотивларининг адабиётдаги тушунлиги каби салбий ҳодисага ҳеч қандай алоқаси йўқ. «Агар таъбир жоиз

бўлса, буни оптимистик қайғу, яъни «истиқбол қайғуси» деб аташ дуруст бўлади», деб ёздади автор. Ниҳоят, мақолада лирик қаҳрамоннинг Алишер Навоийдан кейин ўтган беш аср давомидаги эволюцияси боқишма-боқиш, нонкрет кўрсатиб берилди.

Биргина газета мақоласида ҳам шунча янги фикрлар ифода эта олиш атоқли адабиётшунос олим Фулом Каримов тадқиқотлари учун жуда характерлидир. Болари олис-олисларга учиб бориб, энг хушбўй чаманлар атрини йиғиб нелганиден, ҳурматли олимимиз ҳам асрлар обидаси бўлган нодир кўлғималар орасидан бугунги фаннимиз учун энг зарур жиҳатларни саралаб олади, уларни халққа тақдим этади. Унинг тадқиқотларига назар ташласан, кўпинча «Фурқат ҳаёти ва инжодига доир янги материаллар» «Ҳамзанинг таржимаи ҳолига оид икки ҳужжат» сингари сарлавҳаларга дуч неламизки, шунинг ўзиёқ, ҳаммаша янгилини излашден қимматли фазилатни кўрсатиб туради.

Профессор Фулом Каримов — фан заҳматқиси. У фанга бундан кирқ йил муқаддам кириб келиб, ҳозирга олтишдан зиёд илмий асар яратди. Тадқиқотчи-инженер билими доираси ғоят кенг,

шуғулланган проблемалари хилма-хил. У кўп анвойи материаллар тўплаб, уларга чуқур мушоҳида билан ёндашиб, давр учун, адабиётшунослик тарақиёти учун зарур хулосалар чиқаради.

Тадқиқотларининг ансар қисми классик адабиётимизга, унинг Навоий, Муқимий, Фурқат сингари машҳур намояндалари инжодига бағишланган. Ўзбек классик адабиёти билан совет адабиётини бир-бирига боғлаган Ҳамза Ҳанимзода билан Садриддин Айний инжоди ҳам Фулом Каримовнинг эътиборини қайта-қайта жалб этади, адабиётшунос бу ёзувчилар ҳақида ҳам салмоқли фикрлар баён этади. Ҳамид Олимжон инжодини дастлаб намоли жиддият билан тадқиқ этган олимлардан бири ҳам Фулом Каримов эди.

Адабиётшунослигимизнинг туб масалаларидан бири — рус-ўзбек адабий алоқалари, рус классик адабиётининг ўзбек адабиётига самарали таъсири масаласи. Фулом Каримовнинг бу ҳақидаги асарлари ўша алоқаларнинг тарихий илдизларини, қонуниятларини очиб берганлиги билан эътиборлидир. Ўзбек адабиёти тарихининг назарий проблемалари, адабиётга партия раҳбарлиги масалалари ҳам бу йирин адабиётшуносл олим томонидан махсус тад-

қиқ этилди ва бу тадқиқотлар фаннимизга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Олимнинг умри унинг асарлари ва шогирдлари билан ўлчанади. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетидида, республикамизнинг ҳамма жойларида Фулом Каримовдан таълим олган юзларча мутахассисларни учратасиз. Унинг мевосита раҳбарлигида диссертация ёнлаб, адабиётга ихлос билан хизмат қилаётган ёш олимларнинг номлари санаб чиқилса, каттагина рўйхат бўлади. Уларнинг ҳаммаси хушсухан, камтар, илм бобида қатъий талабчан устоздан ҳаммаша миннатдор.

Муборак олтиш йиллик тўйингизда барча шогирдлар таъзимини қабул этинг, усто!

Баҳодир **ГУЛОМОВ**,
Шариф **ЎСУПОВ**,
филология фанлари кандидатлари

Муҳаррир минбари

ҚАҲРАМОН ЛИҚА ҲАМИША ЎРИН БОР

қилиб айтишади. Ўйлаймизки, бу газал кўп-ларнинг юрагига ўрнашиб қолган. Чунки унда буюн инсоний хиёлат, кучли нола, Ватани соғиниш туйғуси куйланади.

Фигонким, гардиши даврон айирди
шахсуворимдан,
Ғамим кўп, эй кўнгил, сен беҳабарсан
оҳу-зоримдан.
Ғуборим ишқ водийсида барбод ўлди,
андоқким,
Биёбонларда Манжун тўтиё излар
ғуборимдан.
Қизил қондир сиришким, заъфарондир
чеҳран олим,
Мани ким кўрса фарқ этмас ҳазон бирла
бахоримдан.
Муҳаббат дардидан ўлсам, ўтиб умрим, адо
бўлғач,—
Қамишлар ўрнига меҳри гиёҳ унгай
мозоримдан.
Адашган ит каби Фурқат қаён борғум
билолмасман
Қачон бўлғайки толгайман хабар ёру
диёримдан!

Буюн классик шоиримиз Фурқатнинг бу аччиқ фарёди, бу жудодик, соғинч ноласи ҳатто қувончлардан ҳам муқаддасроқ. Чунки у — Ватан ҳақида, сеvimли диёрдан жудо қилинган шоир қалбнинг эзгу-интилишларини, мусалфо ватанпарварлик ҳисларини ифода этади.

Ватанпарварлик туйғуси жуда қадимий туйғу, барча замонларда буюн одамлар шу ота-

шин туйғу билан ёнганлар, бу ажойиб туйғу одамларни мислсиз қаҳрамонликларга, фидоқорликларга ундаган. Чунки одамнинг туйғилиб ўсган юртига бўлган муҳаббаги унинг кўза очиб кўрган ҳамма нарсаларини — ота-онаси, уй-жойи, боғлари, дўстлари, севгиси, болалиги ўтган соҳиллар, биринчи бўса, ойдин кечалар, куйлаган қўшиқлари, халқи, унинг шонли тарихи, маънавий бойликлари, ишлари, режалари, ораулари — ҳамма-ҳаммасини ҳар қадамда эслабтиб туради. Шунинг учун ватангадоликдан катта бахтсизлик йўқ. Эл-юртин севиб одамга она сунти билан кирди. Жонажон Ватанингдаги гўзал ҳаёт эса, уни ҳар дам сайин улгайтиради.

Бизнинг совет жамятида ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш давлат иши, умумхалқ иши ҳисобланади. Бу билан бизда ота-оналар ҳам, мактаб ҳам, санъат, адабиёт ҳам, улуг партиямиз ҳам шуғулланади. Чунки бизнинг совет ватанпарварлиги алоҳида, жўшқин, ҳаётбахш онгли ватанпарварликдирки, у айлорт ва халқ манфаатлари йўлида фидоқорона ишларга, қаҳрамонликларга илҳомлантиради.

Сиз Ватан озодлиги, унинг бахт-саодати йўлида мислсиз қаҳрамонлик кўрсатган, ҳатто бу йўлда ҳаётини фидо қилган юзлаб йигит-қизларнинг отларини биласиз. Александр Мьтросов, Зоя Космодемьянская, Николай Гастелло, Олег Кошевой, Муса Жалил, Тўйчи Эрайитов, панфиловчилар, ёш гвардиячилар... Булар ҳаммаси Ленин комсомоли сафида ўсган доворак лочинлар, халқимизнинг асл фарзандлари эдилар. Ватан хавф остида қолганда улар ўлимга тикна борди-

Ватанпарварлик биз совет кишилари учун энг муқаддас туйғудир. У одамнинг бутун ҳаёти билан, умрида қилган ҳамма ишлари билан, мақсади, орауси, онги, қалби билан боғлиқ. Оламда энг буюк одамларнинг маънавий дунёси шу улуг туйғу билан ёришган. Мавзуга киришдан аввал бир машҳур газални эслайлик. Сиз уни кўп эшитгансиз, уни ҳофиларимиз ашула

ОТАМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Отам ҳозир шахсий пенсионер. У эл-юрт бахт-саодати, фаровонлиги учун кўп меҳнат қилган. Улуғ Ватан урушида боқинчиларга қарши мардларча олишган. «Қўрбон ота» дейишди. Самарқандда бу исм каттакичига таниш. Кимнинг қизисан деганларида отамнинг номи-ни гурур билан айтаман. Отам билан фахрлансам арзийди. Унинг тўғрисида сизларга ёзишимнинг боиси ҳам шунда.

* * *

1941 йил, 26 июнда отам ҳайдаётган тракторини далада қолдириб фронтга жўнаган. Дастлаб у Смоленск, кейин Можайск, Москва учун бўлган жангларда қатнашди. Курскдаги жанг майдонида оғир праланди. Юзларида ўша яраҳатнинг изи ҳали ҳам бор. Калинин шахри мудофаасида яна оғир ярадор бўлди. Ун бир ой ҳарбий касалхонада ётди. Кейин тузалиб, яна кўп жангларда қатнашди. Шу жанглардан бири унинг хотирасида ўчмас из қолдирган.

1944 йил, 18 сентябрь. Рига шаҳрига етишимизга йигирма олти километр қолган эди,— деб ҳисоб қилади отам.— Уша куни навбатчи эдим. Эрта саҳарда тўсатдан тўпларнинг гумбур-гумбури бошланди. Душман танкларни позициямизга ўқ ёғдириб бостириб кела бошлади. Дарҳол тревога кўтардим. Бир лаҳзада жангчиларимиз шай бўлиб ўз жойларини эгаллашди. Ҳаммаиш командирнинг буйругини кутяпмиз. Душман бўлса тобора яқинлашпти. Танклар ҳимоясида чошиб келадётган пиедалар аниқ кўрина бошлади. Шунда рота командиримиз: «Пиедаларга қарата ўт очилсин!» деган буйруқ берди. Пулемёт, автомат, милицлардан ўқ ёғдириди. Душман пиедаларини ерга ётишга мажбур қилди. Танклар эса тўпчиларимизга яхши нишон бўлди. Немислар қирғинга учради. Тепалин устида ўйиллар айнаш-уйқаш бўлиб кетди. Ҳамма ёқ остин-устин. Бирдан мендан ўн-ўн беш метрча нарида снаряд портлади. Кейин нима бўлганини эслай олмайман. Бир маҳал кўзимни очсам, гира-шира ойдин. Мурдалар ичида ётибман. Сувуқ. Ҳар жой-ҳар жойда ёниб кетган танклар қорайиб кўринади. Гоҳ ўзимга келаман, гоҳ ўзимдан кетаман. Шу залда икки сутка ётибман, Урнимдан турай десам, туролмайман. Оёғим худди бировникидай, аъзо-баданим увишиб, беҳузур бўламан.

Ана шу жангдан кейин отам ўнг оёғидан ажраб қолган эканлар. Госпиталда узок ётибдилар. Кейин арчалар: «Оёғингизни кесмасан бўлмайди», дейишди.

«Йўқ бу оёқ билан урушдан аввал ўн йил трантор ҳайдаганман, яна қайтганда мен трактор миншим керак», деб аввалига кўнмабдилар. Кейин қарасалар, ярадор оёқлари шишиб қон бузилиши бошланбди. Тез кесиб ташланмаса ҳалок бўлишлари мумкин экан.

Шундай қилиб, отам 1945 йил 21 июлда ёғоч оёқ билан қишлоққа келди. Орадан бир ҳафта ўтмай МТСга иш сўраб борганда, директор: «Қўрбон ота, бир оёқ билан, ахир, трантор ҳайдай олармидингиз», дебди. Отам «ҳаракат қилиб кўраман!» дебди.

Уша учрашувдан кейин универсал трактор беришди. Отам дастлаб рулга ўтирган пайтларда қаттиқ қийналди. Шунда китоб — икки оёқсиз самолёт минган учувчи тўғрисида ҳисса — ёрдамга келди.

Тинимсиз машқ қилиш натижасида отам ёғоч оёқ билан трантор педалини боса оладиган бўлди. У яна аввалги Қўрбон транторчи бўлиб Карл Маркс номи колхоз даласига чиқди. Шунча машаққатни енгиб, севайми насбига қайтган кишининг кўвончини тасаввур эта оларисиз! Отам бир неча йил Карим Мардонов, Ҳамро Эргашев бошлиқ бригадаларда донг таратиб ишлади. У 1951 йил Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланди, келгуси йили гўза қатор ораларини ишлашдаги эришган муваффақиятлари учун район, область, республика тақдирномаларини олди. Яна Бутуниттфоз халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг «Социалистик мусобақа аълочиси» медали ва «Хўрмат белгиси» ордени билан мукофотланди.

1957 йил 26 январь — оиламиз, айниқса отам ҳаётида энг кўвончли, унутилмас кун бўлиб қолди. Партия ва ҳукуматимиз отамнинг эл-юрт олдидagi меҳнатини юксак мунофот билан тақдирлади. Шу кунни отам Қўрбонбой Орзикуловга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилганлиги ҳақида СССР Олий Совети Президиумининг фармони йўқиди. Отам билан фахрланганимнинг боисини энди тушу-гандирсиз.

Муҳтарам ОРЗИҚУЛОВА,
Самарқанд область, Пастдаргом районидagi
Карл Маркс номи колхоз.

лар, чуни ҳаётларини нима учун фидо қилаётганликларини, олди мақсадларини яхши билар эдилар. Бундан ташқари, улар соф кўнглида, қалби дәр, гўзал, олижаноб кишилар эди. Энди улар олдига бутун дунё бош эгди, улар одамлар хотирасида ўзларига мангулик олтин ҳайкал ўрнатиб кетдилар, неча неча авлодлар учун ёниб турган машғал бўлиб қолдилар.

Ленин улар, аллақандай, одатдан ташқари, гайри табиий кишилар эмас, аслида сиз билан биздек оддий кишилар эдилар. Уларни узоқда йилтиллаган совуқ юлдузга ўхшатиб тасаввур этиш хато. Сизнинг ҳар бирингиз ваият талаб қилганда уларнинг қаҳрамонлигини тақрорлай оласиз. Вунинг учун қалбингизда инсонга улуг меҳр муҳаббат, инсоният душманларига эса муқаддас газаб ҳиссини тарбиялашингиз керак. Держинскиини жуда қаттиққўл, шафқатсиз, «темир Феликс» дейишаркан. Ленин унинг шафқатсизлиги революция душманларига қарши қаратилган эди. Аслида эса, Феликс Эдмундович жуда меҳрибон одам бўлган. Сиз унинг онасига, синглига ёзган меҳр тўла хатларини ўқигансиз, сиз унинг етим қолган қаровсиз болаларга ленинча, оталарча гамхўрлик қилганини биласиз. «Мен бутун инсониятни меҳрим ҳарорати билан иситганини истардим,— деб ёзди Держинский бир хатига.— Уағалар йўлига нур сочмоқ — одам учун бахт-саодат!»

Чехословкия халқининг миллий қаҳрамони Юлиус Фучик айтганини, Ватан, халқ олдигаги бурчини тушушган, соф қалбли ҳар бир одам қаҳрамонлик кўрсатиши мумкин, бу фақат ичи қора, гаразгўй, худбин одамларнинг-

гина қўлидан келмайди... Демак, одам ўзида қатъият, софлик, маънавий гўзаллик каби фазилатларни тарбиялаши керак.

Қаҳрамонлик — аввало ўзгалар учун, халқ учун қилинадиган иш. Агар жиндай гараз билан, ўз фойданг учун қилинган иш бўлса, ёки шухратпарастлик билан фақат ном қолдириш учун қилинса, бу қаҳрамонлик эмас. Қаҳрамонлик энг қийин дақиқада қатъий ирода билан, дўстлар, ўртоқлар, коллектив ё бутун халқ фойдаси, бахти учун, ё уларич бирон хавфдан қўтқазиб учун, онгли равишда ва қалб амри билан қилинади.

Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» асарини ўқигансиз, эсингиздадилар: Андрей Балконовий бир жангда, энг ҳал қилувчи дамда полк байрогини кўтариб, ўқ ёғилса ҳам писанд қилмай, олга интилади. У шундай қилмас эҳам, галаба қўлга кирган пайт эди. Ленин Андрей ўзини кўрсатмоқчи бўлади. Бу қаҳрамонлик эмас, шухратпарастлик эди.

Қаҳрамонлик атайлаб қилинмайди. Агар сиз ёнаётган уйдаги ёш болани қўтқазиб учун ўзингизни ўтга уриш олдидан «яни бир қаҳрамонлик кўрсатай» деган фикрни хаёлингизга келтирсангиз, бу ҳам сиз қилган кишининг гўзаллигини йўқотадиган. Қаҳрамонлигини қидириб юриш ҳам керак эмас. Ҳар бир одам унга шунчакки руҳан ва қалбдан тайёр бўлса бас.

Қаҳрамонлик кўрсатиш учун ҳаётда ҳамма вақт ўрин ва шароит бор. Баязилар тинч даврда қандай қаҳрамонлик бўлиши мумкин дейдилар. Чиндан ҳам, одамни ўтдан қўтқазиб, чўкаётган болани сувдан олиб чиқиш ёки хавфли безорини тутиш — булар ҳар кун бўлавермайди ахир.

Баязилар бўлса, қундалик кишининг ҳалол бажараверсанг, қаҳрамонлик шу-да, дейишди.

Бундай бўлса, ахир оддий бурчини бажариш билан қаҳрамонликнинг фарқи қолмайди ку? Унда ҳамма қаҳрамон бўлаверди-ку! Йўқ, биз қаҳрамонлик тушунчасини ундай обрўсиз, лантириш тарафдорни эмасмиз. Унда биз ўзимизга бўлган талабчанлигини пасайтирган бўламиз. Биз қаҳрамонликка революция ва уруш вақтида қандай қараган бўлсак, тинч даврда ҳам шундай юксак ўлчов билан ёндашишимиз керак.

Қаҳрамонлик ҳамма вақт зарур бўлган дамда ўз манфаатингиздан, ўз ҳаловатингиздан, ҳаёт ўз бахтингиздан воқ кечиб қилган боғлиқ. Қаҳрамонлик халқ учун ёрқин маъсад йўлида қилинади. У юксак парвоз, онгли фидокорлик, говларни енгиш оқибатидир. У доим хавф-хатар билан ёна-ён. Бизнинг космонавтларимиз, бизнинг атомчи физикларимиз, аjoyиб хирургларимиз, денгизчилар, геологлар, чекистлар, дипломатлар, эътиқодли курашчан кишиларимиз фидокорлик талаб қилдиган бундай хавф-хатарларни яхши билдилар.

Қаҳрамонлик қунда учраши шарт эмас, лекин ҳар нима қаҳрамонликка доим тайёр бўлиш керак. Менинчга, ёшлардан мана шу талаб қилинади.

Мен аминманки, сизнинг қалбларингиз чиройли, олижаноб туйғуларга бой, умрини халқ хизматиға, Ватан йўлига бағишлаган ота-болаларимиз, акаларимиз намунаси ёрқин машғалдай, доим сизнинг йўлингизни ҳам, дилингизни ҳам ёритиб туради.



А. ФАДЕЕВ. «Хар донм булсин қуёш!»




„ПАХТАКОР“ стадионида

Г. ГРАФКИН ва Ю. КЛЁНОВ
фотолари.

Минг-минглаб мухлислар ҳар сафар «Пактакор» стадионини тўлдирганларида бу улкан «қозон» ҳаяжон, қийқириқ, олқишлардан чайқалиб туради. Туъсон минут давомида тарафнашларнинг чеҳраларида гоҳ севинч балқийди, гоҳ тиззаларига шапатлаб «аттанг»лаб қолишади.

«Пактакор» биринчи лигада нурашни давом эттиряпти. «У бу йил биринчи унлинда қоладими-йўқми?» тарафнашларнинг кўнглида шу савол. Пактакорчилар ўз ихлосмандларини уялтириб қўймайди деб ишонамиз.





Орнамент нима?

Бу ҳақда Катта Совет Энциклопедиясида бундай дейлади: «Ornamentum» латинча сўз, безан дегани. Орнамент турли элементлари маълум ритмин тартибда жойлашган бадий безандир. Орнамент тузишда симметриядан, ритмин таърирлардан кўп фойдаланилади: унинг элементлари ҳаёт ва табиат воқелигидан олинка ҳам, кўпинча воқеличи шартли равишда ифодалайди — буни стилизация ёни деоратив умумлаштириш дейилади.

Ўзбекининг қадимий миллий меъморчилигида орнамент катта ўрин тутади. Ҳозирги санъаткорларимиз унинг энг яхши анъаналарини ривожлантиришмоқдалар. Орнамент усталари рангини, табиатни, гул ва баргларни, умуман гўзаллини яхши кўрадиган хассос одамлар бўлади. Бу саҳифадаги гўзал орнаментларнинг автори Қобил Қосимов ҳам ҳали ёш, студент бўлса-да, шундай дидали, хассос йигитлардан.



...Анам Мансур, дадамнинг, денга унаси уста Ашурматга шогирд тушиб юрган несларда, ҳар кунни нечурун ишдан қайтар экан: «Очимдан ўлди, эртадан негчага дам босиб, босюн урам, амакнинг берган тул кўзидек бир дона номин чал ичганига юқ бўлмайди; ортиқ шогирд бўлмайман», деб хархаша қиларди.

Ойим билан дадам унга тасалли бериб:

— Амакинг олиб берган нонга қорнинг тўймаса, уйдан нон олиб кет!— дедди.— Хунар ўрганиб олсанг қорнинг тўқ, нонинг куйруқ устида бўлади. Хунар, хунардан унар, дейишади.

Панд-насиҳатлар зое кетди. Анам темирчилини ташлаб, уста Азиз мисгарга шогирд бўлиб олди. Жиззахдаги мисгарлар орасида хунармандликда донги нетганлардан бири уста Шайман бўлса, иккинчиси уста Азиз эди. Уста Азиз ёлғиз хунари билан эмас, хушфешёл, хушмуомала, одамхонлиги билан ҳам одамлар орасида машхур ва маънун эди. Устида қирқ амон жоманор, дастгоҳ ёнида ўтириб олиб, кун бўйи юра кўмирга бўлиб мискумгон, миссўза, мисбарнаш, мисгоғара ясаб, жило берарди.

Уста Азизнинг саховат-заъоватидан баҳраманд бўлган акам бир йил ўтар-ўтмас устозни кўлидаги ишни олди. Паңир ясаб, кўза-кўмгон, самовар сингари рўғор асбобларнинг синиқ-мертигини ямаб, мис асбобларни ялтиратиб оқлаётганини кўрганда мен ўзимда йўқ хурсанд бўлардим.

Акам энди қорнидан шикоят қилмас, аксинча, эрта-тонгда устасидан олдин ишхонага бориб, дўнон очиб, мустақил иш юри-тадиган бўлиб қолганди. Анамда рўй берган бу ўзгаришдан ойим ҳам беҳад мамнун:

Назир САФАРОВ

МАРЯМ ОНА

— Дадаси, худого шукур, Мансирингиз ҳам нозандек йигит бўлиб қолди, йўп кўрнанинг нуни ортиқ, энди келин қидираверсан ҳам бўлади,— десалар, дадам:

— Ҳали сабр қилатур, тошкентлик, ўғлинг ўнг қўл-сўнг қўлини танисин, пул топсин, пул топиб хотин олса қадрига етади,— деб гапни қисқа қилардилар.

Мен мактабда «озод» бўлгач баъзи кунлар акамга қарашардим. Акам кўмгон, самоварларни қалайи билан ямар, мен дам босиб унга кавья қидириб бериб турардим.

Уз одатини бўйича, бозор кунларнинг бирида акам ишини битиргунча боқишиб ўтирдим. Минжозлари келиб тузилган асбобларини олиб нетгунга қадар, акам иккаласи ишхонадан йўғиштириб, ёғ тушса ялагудек қилиб супурдим. Ниҳоят акам:

— Назиркул, бўлди, кўзанинг эгаси келмади, бозор оқшом, ортиқ кутолмайми,— деди.— Кеч бўлди, нетайлик. Манави паңирларни мингбошига олиб бориб, эгасига топширишимиз, музичи чўнтакка солиб тезроқ уйга қайтишимиз керак.

Дўнон олдига оқ тунаудан қсалган бир гала янги паңирлар турарди. Акам икки паңирни менга бериб, тўрттасини ўзи кўтарди. Паңирни дағиллатиб мингбошиқхона томон йўл олдин. Паңирлар гоҳ секин, гоҳ жахли қийқатганден жаранглар, гўё улар оддий совунгар ёки чармгарга эмас, нисзах мингбошиқхонасига олиб бораётганимизни сезганден. Ростини айтсам, мен ўзим шу хил кайфиятда эдим. Нега десангиз, Жиззах мингбошиқсининг остонасини босиб ўтиш ҳар қандай болага ҳам мўяссар бўлавермайди-да. Акам уста бўлгани сабабли, шундай бежирим паңир ясагани туфайлигина мингбошиқнинг идорасига бориб, акамнинг у билан юзма-юз гаплашувини нўрар эканман, деган хавл билан кетаялман, ахир...

Етиб бордим. Мен ўйлаган мингбошиқнинг сояси ҳам кўринмади. Бизни идора ҳовлисида эллик ёшлар чамаси рус нишиси кутиб олди. У паңирларни бирма-бир кўздан нечирди, ҳатто ҳар қайси паңирнинг ёнига, тағига шаппатилаб уриб, балдоғидан тутиб силкиб-силкиб ҳам кўрди, кейин акамнинг елкасига қоңиб:

— Яхши уста, ахши... ҳазир келади меники, оқча кибиткада,— деб паңирни бизга қолдириб, ўзи ҳовли тўридаги хонага қараб юрди.

«Оқча кибиткада» деганча уйига кириб нетган буюртмачи дом-дараксиз йўқолди. Акам бўлса паңирнинг музини олиб чўнтакка солмасдан жипгиси йўқ. Қора совуқ жон-жонимдан ўтиб борарди. Устим юбун — иштончанман, оёғимда калиш, бошимда кундузини куя еб қўйган телпак, устимда юра пахталик намзул. Изгириндан пана бўладиган жой йўқимини, деб ўйлаб турсам, темир дарвоза ёнидаги хонанинг ашғини очилиб, аёл киши кўринди. У бизни ўзи томон имларди. Мен акамга қарадим. Анам аёлга қараб елкасини қисди-да:

— Кимни имляпти. танимайман, ўрис аёл-кун,— деб қўйди. Анамнинг ҳаёли оқча олиб чиқишга нетган одамда эди, Мен бўлсам жон-жонимдан ўтиб бораётган совуқ захридан бетеңат, ер тепинардим, бармоқларимнинг оғзимга қўйиб пуфлаб кесандек жонсиз бўла бошлаган қўлимни иситиш пайда эдим.

«Кўрган кечирганларим»нинг иккинчи китобидан парча.

Авл остона ҳатлаб гашиари чинди, қўлини биз томиш қўзиб, гўё «келмайсанларми» деганки деганга қилди.

— Бу аёл бизни имляётганга ўхшайди,— дея менга қаради акам.

— Борайлик!— жон деб йўл олдим мен. Энди, ортиқ совуқда дийдираб шафтоли қоңи бўлишга тоқатим қолмаганди.

Кўнглимдаги иш бўлди-да, зорэ ўйига киритса, бир оз бўлса ҳам исиниб оларман деб, шоша-пиша қадам ташлагандим, ҳовли тўридаги хона эшиги очилиб, буюртмачи кўринди, уни кузатиб қараб қолдим. Рус киши акамга бир нечта танга узатди. Анам тангани бир-бир кўздан кечириб, сўнг белбоқча тугиб хайрлашди. Шундан сўнг мени «юр-юр»лаб, совуқда бизни кутиб турган рус аёли томон бошлади. Авл очиб чехра билан қаршилади, хона эшигини ланг очиб, «киринглар» дегандек ишора қилди. Кичини хонанинг иссиқ ҳоври юзмига урди Ичнарқоң кирай десам, ерда паҳмоқ шол солилди. Калишимни ечган бўлсам ҳам, шолча оёқ босишга ботинолмай, пойганда тин гуноб қолдим. Кампир акамга имо-ишора билан ниманидир тушуштиради эди. Хона топ-тоза, шифт-деворлари сўтден оқ Мумо нура тор, новча одамнинг боши шифтга текинудек, пастак. Кичини дераза Унга тутилган оқ доқа пардадан ташқари ҳовли бемалол кўриниб турибди. Бурчандаги ичичи темир наравот устига сарғиш аёл солинган, бош томонида оплоқ семиз ёстиқ ёстиқ устида қизғиш рағб нафис гўр. Чоқинча стол деразига тугаш қўйилган, усти оқ дастурхон билан ёпилган. Столда гулдон, мис чойнак, станча ва бўш чинчи идиш турибди. Уй ниҳозларига нигоҳ ташлар эканман, ҳайрон қолдим. Биз уйимизда ерга тўшалган нигиз ус-

тида, сандалда ўтираминиз, аёлчатланамиз, кўрпа тўшаб ётамиз. Бу уйда бўлса ҳамма нарсанинг оёғи бор, столнинг ҳам эчки ёғи сиғир сингари оёғи бор, каравоти ҳам худди шундай. Менинг учун галати бўлиб кўринган яна бир нарсаси — уй, ниҳозлар, ҳаттон шнафнинг ҳам қорден оплоқлиги эди. Айниқса шнаф менга ҳамма нарсадан ҳам қизинарли туюлди. Олди ойнабанд бу шнафча ичида хилма-хил шишачалар, банча, станчалар... Хонада аллақандай ҳид... Бу аёл дўхтурга ўхшаб қолди. Ҳа, ўтган йили дарвозамиз ҳалқасини «ўйнаб» оғзимга солганимда, остонадан оёғим тойиб нетиб, ҳалқача лунжимни йиртиб юборганди. Шунда дадам Жиззахнинг янги шаҳаридagi насалхонага олиб бориб, Самецкий деган врачга лунжимни тинтиргандилар. Бу ердиги дори ҳиди ўша азобли кунларимни эсга гўширди.

Кампир акамни гапга солар экан, унинг чехрасида ёқимтой табассум жилвалангандек туюларди. У, акам билан олдиндан танишден, тортинмасдан, яқин кўриб сўзлашарди. Ҳар замон-ҳар замон менга ҳам кўз қирини ташлаганда, мен ҳам негадир унга жилмайиб қўярдим. Ким билади, балки кампир она боқишида кичини жилмайтирадиган жозиба бордир? Ҳа, дарвоқе, бирдан у негадир менинг оёғимга назар ташлаб, бошини сарак-сарак қилди. Ялғонғоқ пойганда турганимни пайқатиб шенилли, қўлимдан етанлаб, ўтиришга тақлиф қилди. Лекин хонада ўтиргич биттагина эди. Мен ўтирмасдан, тортиниб турдим, шунда кампир акамни ўтиришга тақлиф қилди, акам ҳам бир оз няманиб турди-да, сўнг табуретқанидиг бир чеккасига ўтирди, шундан кейин ортиқ тақаллуф кутиб ўтирмасдан мен ҳам табуретқанидиг бўш жойига ўтириб олдим. Бу ҳол бамисқоли кичини бир новчага икки нуш ўтиргандек эди. Кампир, қўвонганиданми, кулди, ана-уна биз ҳам унга қўшилишиб кулдим.

Кампир шошилиб нимадир деди, лекин на мен, на акам бирон нарсаси тушунмадим. Қўллар, кўм-кўн кўзи, бароқ қоши, ҳатто юзидagi ақинилари ҳаранатга кириб ниманидир англаймоқчи, айтмоқчи, тушунтирмоқчи бўлди. Мен бўлсам, нима депти, тилга тушунмасан биз, деб саросимда эдим. Лекин кўп ўтмай беҳуда ташвиш тортаётганим маълум бўлиб қолди. Қарасам, акам ҳамма гапни тушуниб олинди. У ўридан туриб бурчанча борди, ерга, деворга, шифтга назар ташлади, қўли билан қаричлаб, масофани ўлчаб бўлгач, акам ҳам, кампир ҳам бош иргатиб жилмайишди.

— Печка,— деди кампир.

— Печка,— танроқлади акам ҳам.

Кампир очилиб-сочилиб яна гапга кириб нетди, ортиқ имо-ишорасиз ўз мақсадини баён қила бошлади.

Дастлаб кирган чоғимда илиқ сезилган бу хона, негадир энди совиб қолди, баданим увушиб, жуниқина бошладим. Бу совуқ хонада хўпам қийналибди-да бечора кампир, деб хавлдан ўтказдим ва она елкасига солилгини қалин жун рўмолга кўзим тушди.. Ҳа, дедим ўзимга ўзим, печка-сандалсиз бу совуқ уйда сна жонига ора кирган шу қалин шол рўмол эканда.

Буюртма қабул қилинди. Акам хайрлашди. Она шошилиб оқ шнафчани очди, ундан кармончасини олиб, титиллаб бир пуллик чақалар, бир нечта Шахрисабз пуллини олиб, йиманинириб акамга қўлди, акам «қўйинг!» деган маънода ўзини орқага ташлади.



Т. МУХАМЕДОВ расми.

— Кейин, ҳозир олмайман,— деди ва қўлини қимирлатиб, «Керак эмас!.. Керак эмас!» деган маънода имо-ишора қилди. Она чақаларни тутиқизиш ҳаракатида, анам бўлса:

— Кейин, кейин, сизники яхши мамаша,— деб ўзини ундан олиб қочарди.

Акамнинг бу қарорларидан мамнун бўлибми, она бош эгиб миннатдорчилик билдирди, кўриб қувониб кетдим. Гарчи тил билмасам ҳам, ҳар инкала томон меҳрибончилиги дилимга қандайдир севинч бағишлаганди.

Она бизни кузатиб ташқарига чиқди. Эшин олдида тўхтаб, бармоғи билан акамни кўрсатиб, нимадир деди. Биз ҳеч нарса тушунмадик. Шунда она ўзини кўрсатиб:

— Мария, Мария Александровна,— деди.

— Ҳа, тушундим, биласанми нимани сўраппти?— деди синовчан назар билан менга тикилиб анам.

— Отингизни билмоқчи шекилли, айтиб кўринг-чи,— дедим мен.

— Мансур, Мансур,— деди анам, қўли билан ўзини кўрсатиб.

— Мансур, Мансур,— деди Мария хола ҳам акамнинг елкасига ураб экан.

Мен, хайрият иш битди, энди уйга қайтаман, деб суююндим. Дарҳақиқат меҳнатдан сунғ ҳориб, совуққа қотиб, оч юлган ишни уйига бормасдан қаёққа ҳам бораар эди? Акам бўлса, мени яна ишхонасига етаклади. Ростини айтсам, акамнинг бу иши меннинг учун шавқсиз эди. Начора? Нима деганда ҳам ана анаю, уна унада. У мендан катта. Итоат қилмай илоим йўқ.

— Шўрлик кампир совуққа ироқ бўпти,— деди ишхона эшигини очатуриб анам.— Қани кўрайлик-чи, Назирқул, тунунамиз печка билан нарнайга етармикини?

Анам анча вақт иверсиб ўтирди. У қайчи, болга олиб, тунукани чамаламоқда... Мен ишхонадан ташқарига чиқдим. Карим тақачи, кеч бўлишига қарамай, таңа ясарди. У ёлғиз, ўзи дам босиб, ўзи темир чўзарди.

— Беринг, дамингизни мен босай, амаки,— дедим. Жавобини кутмасданоқ кўлидан дамини олиб боса боладим. Чўзиб-чўзиб босардим, кўмир гуруллаб алағга олар, кўлим, юз-кўзимни унга товлаб, тафтида исинардим. Акам тунукасининг тарақ-туруғи барала эшитила бошлади. Билдикми, печь ясагга киришди.

Ишхона олдида ўтиб бораётган таниш-билишлар акамга сўз қотарди.

— Ҳой, Мансур, ҳормал!

— Бор бўлинг.

— Ҳа, кеч бўлди, бас-да, бой бўлмоқчимисан? Еки қалинга пул керак бўл қолдим? Тўй яқинга ўхшайди.

Ҳали акамга қаллиқ топиладан бўлмас-да, танишлар атайлаб уни қайрарди. Аммо пул топиб, бой бўлишга келганда, шу гал акамнинг ҳазилнаши янглишганди, чунки акам Мария хола берган хизмат ҳақидан воз неганди.

Уша кунни уйга кеч қайдик. Ойим «мунча нечимасаларинг!» деб юйиғанлариди, анам Мария хола ва печка воқеасини ҳиноя қилиб берди. Ойим йўлимизни пойлаб, юраги тақа-пуқа бўлганидан шикоят қилдилару, койиш ўрнига:

— Майли, савоб иш қилибсан, болам, сўқчабош бахтсиз кам-

пирни хурсанд қилибсан, нам бўлмайсан,— деганларда, менинг совуқда чеккан изтиробларим ҳам тарқаб кетгандек туюлди. Мария хола билан бизнинг хонадонимизда бошланган ошанча чилин шу хилда рўй бериб, кундан-кун куюқлаша борди. Кунларнинг бирида ошга сабзи тўғраб ўтириб, ойим акамга сўз қотиб қолди:

— Мансуржон болам! Марям онангдан хабар олиб турибсанми?

— Ҳа.

— Мусофир шўрлик ўзи зерикиб қолмадимиз? Билишимча, мингбошихонадаги палисага ўлгурлардан бошқани кўрмасмиш, Бировнига бормаи, биров унингга келмай, юраги қон бўлгандир, бечора. Меҳмонга чакирсанг, кўнгли бир оз ёзилиб кетармиди, шўрлик.

Бу гапни эшитиб, акамга қўшилиб мени қувонганимни кўрсангиз эди.

Ойим айтганлари бўлди: пайшанба бозор кунни Марям хола билан акамнинг устаси Азизхон бизнига меҳмон бўлиб келишди.

Уста Азиз нима учун худди шу кун чорланди?— деб ўйларсиз. Бизнинг маҳаллада ёлғиз уста Азиз рус тилини оз-моз тушунарди. Бунинг устига, у жуда дилнаш, суҳбати ширин йиғит. Қуз кунларидан бири, кеч, ташқари қиш ҳавосидек совуқ. Санда атрофида қўр тўкиб гурунғ кўриб ўтирганларнинг ҳаммаси хушхол. Мен ойим ёнида меҳмонларни кузатиб жим ўтирдим. Шу кунгача акамнинг устаси Азизхон мисгар оиламизга яқин бўлса ҳам уни яхши билмас эканман. У, менинг назаримда, шу кун бошқа бир дунёнинг кишиси бўлиб кўринди. Суҳбатдагиларнинг биронтаси рус тилини билмайди-ю, у билди. Марям холанинг бизга таниш бўлмаган тилига тушунади, унинг гапини тинглаб, ҳаммамиз учун тушунарли — ўз тилимизга айлантириб, аниқ, равшан айтиб берган гапларидан, бу муштилар онанинг бошидан не-не савдолар ўтганини фаҳмлаб, ҳаг-манг бўлиб қолгандим...

Россияда бўлиб ўтган «қонли яқшанба» фожiasi кимларнинг юрагига ларза солмаган! Эзилган, хўрланган, инсоний ҳуқуқи поймол қилинган меҳнаткаш халқ подшо ҳазрат олийларига бош эгиб, адолат ва фақирона осойишта турмуш сўраб арз-қол қилганларида ўққа тутилган минглаб гуноҳсиз қурбонлар орасида Марям Александровнанинг қўли қадоқ ишчи эри ҳам бор экан. Йиллар ўтади, шу ишчининг пуштикамаридан бўлган темир нарот бургут парвоз қилади, «қонли яқшанба» қасоснорлари — янги авлод етишади, улар оталари бошлаган ишни давом эттириб, чоризм ва унинг тузумига қарши кураш бошлайдилар. Ана шу жангчилар сафиди Марям Александровнанинг ёлғиз ўғли ҳам бор эди. Лекин кўп ўтмай бир гала исёнор ёш ишчилар қаторида Марям холанинг ўғли ҳам қаноққа олинади ва Туркистон ўлкасига сурғун қилинади. Онайизор ҳақ йўл излаб ҳақсизликка учраган ўғли изини қидирганча Туркистон ўлкаси келади, сўроқлаб-сўроқлаб Самарқанд турмасида, тугтунлида эканини аниқлайди. Ўғли ёнида ҳамдам-ҳамдар бўлиш учун полиция бошқармасига мурожаат қилади. «Сибсий жиоитчининг онаси катта шаҳар Самарқандда истиқомат қилиши мумкин эмас!» деган мазмунада рад жаов олади ва Жиззахда, Эски шаҳар полицияси назоратида истиқомат қилишга мажбур қилинади. Зулмкор Николай подшоҳнинг исковчи итлари уни! Эски шаҳарда, жандармлар назоратида маҳаллий халқ билан мулоқатда бўлолмайдиган, маҳаллий тили билмаслиги сиёсий зарурюндачилиги мақсадига монелин қилади, деган мақсадда шундай қарорга келгани ўз-ўзидан маълум.

Жиззах шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлаётган Марям Александровна ҳар ҳафтанинг охириг кунинда полиция маҳкамасига бориб рўйхатдан ўтиб туришга мажбур эди. Кишлар тағдиринда бўлган бундай мураккаб воқеалар маъносига у вақтларда у қадар тушунмасди. Марям холанинг ички дунёсини ҳам тушунмасдим. У кўринушдан ҳам бизнинг аёлларга унча ўхшамас эди. Кўм-кўн кузлари кишига бирам меҳрибон боқар эдими, кекса аёлларда ҳам камдан-кам учрайдиган бу боқишларинда бир дунё маъно ва оналик меҳри мавж уриб турарди. Ленин вақти-вақти билан руҳида қайғу, алам, изтироб излари кўриниб қоларди. Она нақадар мулоийим ва маъсум бўлмасин, унинг сўзида, овозида қайғу-мунг бор. Шундай ҳолларда мен: шўрлик холагинам, ўз фарзандини шу қадар севар экан, бунинг устига яна ёлғиз экан, бу маълума онаг шунча озор бермасалар! Подшоҳдан илтимос қилиб, ўглини озод этишса, она боланинг ўз шаҳри Петроградда тинч яшашлари учун рухсат беришса бир нарса бўлармикин?— деган уй-хавлга чўмиб ўтирдим.

Ойим эса бошини қайчаб: «Қуриб кетсин бу дунёси, Николай пошхондан зулм кўриб, эзилб келаётган биз мусулмонлар дегам, ўз пошхосидан жабр кўрган ўрислар ҳам кўп экан!» деб кўярди.

Орадан кўп вақт ўтмай ойим Марям холани «Марям опа» деб атади ва иккаласи опа-сингил тутиниб олди. Бизнинг эшигимиз, кучоғимиз ҳар вақт Марям холам учун очик бўлса, у кишининг эшиги ҳам биз учун очик эди. Бирон бир маърака, ёни ҳайит Марям Александровнасиз ўтмайдиган бўлиб қолди. Ойим айниқса палов ёни кулчотай пиширганларида албатта опаларига илинардилар:

— Мансур! Ўғлижоним, мана бу ошини совимасдан Марям холанга етказга қол иссиғида ей қолсинлар!.. Ана, дастурхонга никита жиззалек нон ҳам тугиб кўйдим...

Ҳар йили жиззахликлар илиқ баҳорнинг меваси — исмалоқ ўтдан уч-тўрт марта тандир сомса пишириб, тўйиб-тўйиб еб олишади. Ердан қор ариб баҳорнинг илиқ нафаси эса бошлаши билан, биз болалар тўпланишиб далага чикардик. Бу вақт исмалоқ у ёнда турсин, ҳали ердан кўнат ҳам унмаган бўларди.

Шундай бўлса ҳам, эл под ботиқлардан лйов ерларда эгишиб исмалоқ қидирардин. Гап шундаки, баҳорда кимнинг оғзи биринчи бўлиб исмалоққа тега, эл орасида гап тарқалади: «Палончиларнинг оғзи исмалоққа тегибди, худо хоҳласа «ётидурди» (хасталик) нам бўлади, йил енгил ва маъмурчилик келад», дейишарди. Биз болалар ана шу шарафнинг биринчи қалдирғочи бўлиш учун куйиб-ёниб дала кезардик. Лекин кўпинча исмалоқдан ниҳона тополмасдик.

Исмалоқ қидириб мен ҳам оз овора бўлмадим. Лекин ҳарқатим бекор кетмади: Миродил подачи мол ёядиган қирга тепалаб бораётсам, оёғим остида бир нарса кўринди. Кўм-кўи қа-миш барги япроқчалари орасидан мўралайди... Юрагим гурс-гурс уриб кетди. Пичоқчамни олдим-да, чўнка тушдим, томи-рини мўлжаллаб пичоқ суқдим, тупроқни даст кўпардим, кичин оппоқ пиёзча чиқди...

— Бойчечак! Бойчечак топибди Назирқул!— деб қувонишди ўртоқларим.

Биз қувона-қувона бойчечак қўшигини янграгиб қишлоқ томон йўл олдик.

Ховлилардан болалар югуришиб чиқиб бизга қўшиларди. Аёллар нон, ўрик қоқи, қанд-нурс билан бизни сийлашарди. Бойчечакимизни юз-кўзларига суртар эканлар:

— Омонлик-сомонлик, сира нўрмайлин ёмонлик,— деб ҳаққимизга дуо ўқишарди.

Шу зайлда бир кўча бола бўлиб, қишлоқма-қишлоқ, уйма-уй незиб, бойчечак айтди. Қўйин-этанларимиз нонга, чўнтакларимиз қанд-нурсга тўлиб қайтдик.

— Болалар! Юринглар, бизнинг эшикна бориб бойчечак айт-тамит!— дедим. Бир кўча бола чуғурлашиб дарвозамиз томон чопишди.

Эшигимиз ёнидаги чойхона зич тўла одам. Нашандалар бур-ситиб чилим ченишар, ҳар ким ўз улфати билан чойхўрлини қилиб, дунё ҳасратидан ҳангома нуриб утиришарди.

— Назирқул! Чинанам бойчечак чиқибдимми, қани бу ёққа олиб келчи!— деди бошини чойхонадан чиқариб самоварчи Урдушмат.

— Берма! Берма! Қўллик бўлиб кетади,— деб чуғурлашди болалар.

Ойим барнашда инки дона нон, туршак кўтариб ҳузуримизга чиқди:

— Қани бойчечакларинг, омонлик-сомонлик қилай-чи,— дед аланг-яланг болаларга қаради.

— Назирқул! Нега биқинасан, бойчечакни берсанг-чи Роҳат холамга,— деб қичқирди самоварчи ва болалар орасидан мени судраб, ойимнинг олдига олиб чиқди.

— Вой, бетгинангдан бузилмагур, ҳали сен исмалоқ териб келсан деб ўтирсам, бойчечак айтиб юрибсанми,— дедию, мен узатган бойчечакни қўлига олиш билан аччиғи тарқаб кетди...— Омонлик-сомонлик, асло нўрмайлик ёмонлик,— дед ўнг-сўл кў-зига суртди, нейин қўлини дуога очиб:— янаги йил шу ой, шу кунларга тўрт нўз тугал ҳаммаларингиз ўйнаб-кулиб етинлар, омин!— дейиши билан, болалар «облоқ анбар» деб юборишди...

Ўртоқларим билан хайрлашдим, йўл-йўлакай ойим билан гаплашиб ичкари ховлига кирдик.

— Уйда биров борми?

— Меҳмонлар бор.

— Кимлар? Қанақа меҳмонлар?

— Анангнинг устаси Азизхон, Марям холаңг, Сен исмалоқ териб келсанг, сомса қиламан деб ўтирибман-у, сен бўлсанг...

Мен ҳали ўт-ўлан уйғонмагани, далани охиρχа қилиб ҳам бир дона исмалоқ тополмаганимиз, толеим ёр бўлиб якна-ягона бойчечак оёғим остидан чиқиб қолгани, йўл-йўлакай бойчечак айтиб эл-элатни суюнтирганганимиз қувона-қувона айтиб бердим. Сўнг қўйинидаги нон, чўнтагимдаги парварда, қандолат, нора-қизил майиз, ўрик, шафтоли қоңиларни ойим қўлидаги баркашга солдим-да:

— Бойчечакни қаерга кўйи?— деб сўрадим.

— Иркит бўлмай кет! Афти-ангорингги қара, мушук боласи лласа тўяди. Вет-қўлингги, оёғингги ювгин-да, тоза калкининг-ни кийиб ол. Сўнгра кириб меҳмонларга салом бер.

— Бойчечакимни нима қилай депман?— тақроп сўрадим ойимдан.

— Нима қилардинг, Марям холаңгги исмалоқ сомса билан меҳмон қиламан деб ўйлаган эдим, бўлмади. Бойчечакингги Марям опамга совга қила қол. Баҳор гули, хурсанд бўлади.

Ювиндим, нийиндим, уйимиз эшиги олдига бордим-у, ичкари киришга юрагим дов бермай туриб қолдим.

— Киравер, қаёқда юрибсан дом-дарансиз,— дедилар менга нўзлари тушар экан дадам.

Салом бериб ичкари кирдим. Ойимнинг қўл машинаси кўй-лидагидан курсидада Марям холам ўтирар эди. Унинг устида нўнимтир жун матодан бели бурма, ёқаси нора бахмал пальто, бежири қилиб бошига ўралган кумуш сочи устида пар суңил-ган аллақандай шялла, оёғида илмоқларига сарғиш каноп билан таранг қилиб тортилган ним этик ботинка, пахтаден оқ жимжима нафис қўйлаги лўппи жуссасига шундай ярашган эдимки...

Мен тўшалган кўрпачани зийидан оҳиста қадам ташлаб Марям холамга яқин бордим-да, чап қўлимни кўксимга қўйиб бойчечакни узатдим. Холам аввал пайқамай қараб турдилар, сўнг бирдан жонланиб, мени ўз ёнларига ўтқаздилар, узун килимини силаб, пешанамдан ўдилар... Юзимга иссиқ нарса томди. Марям холам йиғлар эди. Нега йиғлайдилар, билмай хайрон эдим. Балки нувончдан йиғлаётгандирлар, чунки баҳор-нинг биринчи совғаси бойчечак ўтишдан аллақандай нарсаларни хотирига келтирган бўлиши мумкин...

МЕНИНГ УЙИМ

Атоқли рус шоираси Анна Ахматова 1942—44 йилларда Тошкентда яшаган эди. Ленинград блокадаси вақтида соғлигини йўқотган шоира, насал бўлишига қарамай госпиталларга бориб, ярадор жангчиларга шеърлар ўқир эди.

Шу йил июнь ойда Анна Ахматова ту-гилганига 80 йил тўлади.

«Мен Тошкентда инсонга меҳрибонлик ҳисси нима эканини янада чуқурроқ ту-шундим», деб ёзади у таржимаи ҳолида.

Қўйидаги парча шоиранинг ўша даврдаги ҳисларини ифодалайди.

Ленинграднинг майдонлариданми,
Ёки эртақдаги дьлором богдан,
Адл теракларинг сирли шивирлаб
Менга топиб келар сарин шаббода.
Узоқ, узоқ Нена соҳиллари,
Секни ўтар кунларим Ленинг.
Жануб осмоннинг сомон йўллари
Ёритар хасратли тунларим менинг...

Бир вақт қайта ҳис этар қалбим:
Дим кечалар баҳмал ҳавосин,
Осёниёг ширин туши каби
Ҳалимнинг булбул носасин.
Қайта ёд этарман ҳамма-ҳаммасини:
Ариқ бўйлариди яшанган гуллар,
Дано кексаларнинг қутлуг нафасини
Элар бўйлаб таратган еллар...

Ленинградимдан ҳамон узоқда
Учинчи баҳорни кутарман.
Сўнгиси бу, қўнгим сезмоқда,
Бу йил балки қайтиб кетарман.
Аммо унутмасман тут соясда
Шилдирган анҳор кўйини.
Лола гулханлари тоғ қоясида,
Шафтоли гулининг атир бўйини,
Йўқ, гурбатда фарб эмас эдим,
Соғинарман ўзбек уйини!

У ўз уйим эди, ўша юлдузлар,
Ўша кўм-кўк осмон палласи,
Ўша еллар, ўша таниш юзлар,
Ўша қалбимдаги она алласи.
Менинг хонодоним доим устивор,
Мен яна келарман кўмсаса кўнглим.
Воғда гулбарларинг бўлсин беғубор,
Зилзол ҳовузларинг доим лиммо-лим.



1.

ИПАК ЭЧКИЛАР




2.




3.

4.

↓



Деҳқончилик—илм



Эчки—иссиқни хоҳлайдиган жонивор. У нам ёгин, ҳавоси нуруқ келадиган чўлларда, тоғу тошли дараларда, сахро гиёҳлари кўп ўсадиган ўтлоқларда айниқса яйрайди. Шу ниҳатдан бизнинг республикамизда эчки отарлари, ни кўпайтириш учун энг кўлай шароит мавжуд.

Улуғ Ваган урушигача Ўзбекистонда маҳаллий жайдари эчкилар боқиларди. Улардан асосан гўшт, тери ва дағал жун олинарди. Эчкичиликни фойда келтирувчи соҳага айлан. тириш мақсадида 1937 йили жайдари эчкиларни ангор оқ эчкилари билан чатиштириш ва шу орқали юқори сифатли жун ва тивит олиш ҳаракати бошланди. Ўзбекистон чорвачилик илмий-тектириш институти бу икки зот эчкиларни дурагайлалаш юзасидан жиждий тадқиқот ишларини давом эттирди. Узоқ йиллар сарфланган меҳнат ўз самарасини берди. Мутахассис олимлар Наманган область, Поп районидан «Янги чорва» (ҳозирги «Коммунизм») колхозининг чўпонлари билан ҳамкорликда махсусдор янги, маҳаллий эчки зотини етиштирдилар.

Бу зотли эчкиларнинг жуну бирден оппоқ, пишқи, узунлиги 18—25 сантиметрга етади, худди ипақдай товланиб туради; унинг яна бир хусусияти шундани, бўёқни ўзига унғай сингдиради, товланиш сифатини йўқотмайди, толаси жингалак ҳолатга ўтмайди. Бу хил жун мато саноати учун голт қимматли. Бу хил жундан олий навли бахмал, барнута, трикотаж ва газламалар тўқилади.

Майин жули эчкилар асосан Наманган об. ласининг Поп ва Чуст районларида устирилади. Зотдор эчкилар хўжаликка кўп даромад беради. Биргина ўтган йилнинг ўзида Поп ва Чуст район колхозлари эчкичиликдан 885 минг сўмдан кўпроқ даромад олдилар.

Поп районидан «Коммунизм» колхозида оқ жули эчкилардан ташқари қора тивит берадиган эчки зотлари ҳам устириляпти. Бу эчкилар дурагайлалаш, чатиштириш йўли билан яратилди. Давлат унинг бир нилрограмм тивити учун 37 сўмдан 52 сўмгача ҳақ тўлайди.

Кейинги йилларда наманганлик чорвадорлар Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон республикалари, Олтой ўлкаси, Тува автоном области, Кабарда-Балқар автоном республикаси ва мамлакатимизнинг бошқа жойларидаги хўжаликларга 43 мингдан ортқ зотдор эчки ва гана сотдилар.

Ўзбекистонда янги зотли эчкилар етиштиришда биология фанлари доктори П. Ф. Ки. ятин, илмий ходимлар Н. С. Перепелицина, мархум И. Д. Белов, катта зоотехник В. Н. Полянова ҳамда Усмон Холматов, Мирзоалим Мадалимов, Йўлдошбой Мўминов сингари чўпонлар катта куч-гайрат сарфладилар.

СУРАТЛАРДА:

1. Оқ ипак жун берадиган эчкилар.
2. Ҳар йили минглаб улоқ етиштирилади.
3. Селекционер-зоотехник Ҳотам ЖАҲОН-АЛИЕВ қора тивит берадиган эчкини текширипти.
4. Эчкилар яйловга ҳайдалмоқда.

С. БЕЗНОСОВ.
Автор фотолари.

Унг томонда икки қаватли кўркам бино. Ичарига қадам қўясиз-у баҳор гуллари-нинг ёнимли ҳидига кумиласиз. Темир суялчиқлардан тол барганна ўхшаб гул кўчатларининг нўм-кўн барглари осилиб ётибди.

Оқ халатли икки қиз билан бир йигит электр плитасида шарақлаб қайнаётган сувли колбага тилибиб туришибди. Бурчандаги думалоқ столда нималарнидир ёзиб ўтирган аёл кўл соатига қаради-да, шошиб ўрнидан турди. Дераза олдидан қизгиш нарсадан бир бўлан учириб болга билан майдалади. Колбачалардан бир нечасини столга териб, биттасига қайнаётган сувдан яримлатиб қўйди. Кейин ҳалиги кукундан бир чимдим солиб, аралаштирди. Сувнинг ранги секин ўзгариб, оч кўл ранг тусга кирди. Иккинчи колбага ҳам кукун ташланди. Бу сафар сув рангини яна ҳам тез ўзгартирди...

— Кўрдингларми,— деди Соня Мадарисова атрофини ўраб турган ходимларга қараб,— халигача бизда сунъий ва маҳаллий ўғитларни сақлашга етарли эътибор берилмайдди. Кўпинча фаризга бормай, оқиқ жойларга тўкиб ташланаверади. Оқибатда, ўғит қор-ёғир тагида қолиб, ўз кучини йўқотди.

— Мана қаранглар,— давом этди Соня,— мана шу инқала колбада ҳам фосфор. Бир вақтда ташиб келтирилган. Лекин сувдаги эритмаси икки хил. Бирининг туси очроқ, иккинчиси тўқ. Нисъ учун? Сабаби шунки, булар икки хил жойда сақланган. Мана бу оч туслиси оқиқ жойга тўкилиб, ёгин-сочин остида қолган, ўзига нам тортган, тошга айланган, кучини батамом йўқотган. Бу энди ерга солтиса фойдаси бўлмайдди. Меҳнат бекор етати. Мана бу тўқ туслиси бўлса ёпиқ жойда сақлангани учун кувватини тўла сақлаб қолган.

...Стол устидаги оқ қозғони қизил, сариқ, жигар ранг ва кўл ранг тусга бўяётган йигитлар диққатимизни тортди. Шулар чишган бўлса керак, хона деворларига турли рангдаги диаграммалар осилган.

— Ишимиз шу ердан бошланади,— деди область агрохимия лабораториясининг бошлиги Абдумўмин Жўраев,— колхоз ва совхоз агрономларининг ҳаммасида экинзор ерларнинг тупроқ картограммаси бор. Уларни мана шу йигитлар чишишган.

Бу картограммини чизишгача жуда кўп меҳнат сарфланди. Колхоз ва совхозлардаги ерларнинг ҳолатини (куватли-куватсизлигини) аниқлаш учун ҳар гектар майдон ўнта квадратга, сўнг ҳар бир квадрат яна ўнта кичик квадратга бўлинди. Сўнг ҳар квадратдан олинган тупроқ кичин

қозғол халталарга солиниб, рақамланиб, лабораторияга жўнатилди. У ерда ҳар бир халтадаги тупроқ кимёвий анализ қилинди. Тупроқ тарихидаги минерал ва маҳаллий ўғитлар миқдори ўрганилгандан кейин картограмма чизишга киришилди. Қанча минерал ва маҳаллий ўғит солиш лозимлиги турли бўёқлар билан чишиб кўрсатилди. Масалан, тупроқ тарихида фосфор кўп бўлса тўқ, етарли бўлмаса оч кўл ранг бўёқ билан белгиланди. Натияжада колхоз-совхоз раҳбарлари қайси участканинг ери кувватли, қайсиниси кувватсизлигини аниқ билиб олдилар. Эндиликда улар шу карталарга қараб, ерни ўғитландилар.

Абдумўмин Жўраев столга багрини бериб, оқ қозғол устида тез-тез қалам юргизаётган йигитнинг ишини анча куввати турган, муноаат қилди:

— Мўминжон, бир оз янглишибсиз, дейман. Анализда кўрсатилишича, тупроқ тарихида фосфор нам дегилибди-ку. Сиз тўқ кўл ранг бўёқ берялсиз. Хўшёр бўлинг. Мўминжон таҳлил фотларини очиб, Хўжабод райониданги Фурқат номли колхозни топди. Ҳақиқатан катта йўл қўйилган экан...

Область агрохимия лабораториясининг ташкил этилганига кўп ўтгани йўқ. Шунга қарамай, бу ерда натта ишлар қилин-ляпти. Колхоз ва совхозларга минерал-маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш йўллари илмий асосларда кўрсатиб берилмоқда. Областдаги колхоз ва совхоз бош агрономларининг янгида ўтган семинарида минерал ўғитларни тупроқ картограммаси асосида тақсимлаш ва фойдаланиш ўргатилди.

Семинарда Андижон Пахтачилик институти тупроқшунослик кафедрасининг мудир, биология фанлари кандидати А. Абдувоҳидов «Областнинг тупроқлари ва минерал ўғитлардан фойдаланиш», Бутунитифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти Андижон филиали ўсимликлар физиологияси бўлимининг бошлиги, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати О. Маҳмудов «Деҳқончиликда минерал ва маҳаллий ўғитларнинг аҳамияти» деган мавзуларда лекция ўқидилар.

Биз у ердан завқли таассурот билан қайтдик. Ҳақиқатан, агрохимия лабораториясини оддий муассаса эмас, балки натта илмий даргоҳ, ернинг унумдорлигини ошириш йўлида тадқиқот олиб бораётган илмий марказ дейишга тўла асос бор. У ерда бугун қайнаётган ҳар бир кичик ва катта илмий иш эртанги кун учун асос бўлиши аниқ.

Т. АВВАЛОВ.



Область агрохимия лабораториясининг бошлиги Абдумўмин Жўраев агрономлар билан.



САРАТОН ЯҚИН...

С. БЕЗНОСОВ фотоси.

«Николай Ленин...»
Бу китоб Мадрасда бундан 47 йил аввал нашр этилган. Дунё меҳнат-кашларининг улуг доҳийси В. И. Ленин ҳаёти ҳақида Ҳиндистонда чиққан бу биринчи китобнинг автори Кришна Рао. У таниқли журналист ва миллий озодлик ҳаракатининг актив иштирокчиси бўлган. Ҳозирги вақтда анча кекса, Андхра-Прадеш штатининг Гунтура деган шаҳарчасида истиқомат қилади.

„Гулистон“ гурунги

Собир ЮНУСОВ,
«ВШ ГВАРДИЯ» нашриётининг
бош муҳаррири.

КИТОБХОН БОЛАЛАРИМИЗГА

1913 йилда Урта Осиёда жами 122 минг 400 нусха китоб нашр этилган экан. Утган йили эса фақат Узбенистонимизнинг ўзида чоп этилган китоблар тиражи 30 миллион 320 мингга етди. Республика-мизда 1968 йилда бир оила учун 15 нусха, жон бошига эса учтадан китоб чиқди.

В. И. Лениннинг 40 томлик асарлари она тилимизда минг-минглаб китобхонларга етиб бориши, марксизм-ленинизм асосчилари асарларининг ўнмиллионлар нусхада чиқишининг ўзи маданиятимиз ва матбаачилик саноатимиз нақадар юксалганигини нўрсатади. Ҳозир республикамаиздаги 6 та нашриёт, 10 та босмахонада кечую нундуз тинимсиз китоб, журнал ва газеталар босилляпти.

Бизнинг нашриётда номсомол-ёшлар ва болалар учун китоблар чоп этилади. Асосий вазифаларимиз: В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятига доир асарларни ўзбек тилида кўплаб чиқариш, юртизмизнинг, Коммунист-тик партия ва Ленин номсополининг зафарли тарихини, ёшларнинг меҳнат ҳамда жанговар жасоратини тасвирловчи асарларни китобхонларга тез етказиш; Ватанга меҳр-муҳаббат руҳини сингдирувчи, халқлар дўстлиги ҳис-туйғуларини улугловчи, меҳнатга, билимга зўр иштиёқни акс эттирувчи бадиий асарларни кўпроқ босиш.

Еш авлоднинг коммунистик руҳда тарбия-лашда болалар адабиётининг мавқенини янада ошириш мақсадида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети то-монидан «Совет болалар адабиётини янада

ривожлантириш тўғрисида» қабул қилин-ган қарор биз нашриётчиларни янада масъулиятли, янада ишчан бўлишга даъват этади.

Утган йили ёшлар учун 71 номда 2 миллион 432 минг нусха китоб тайёрла-дик. Бунинг учдан икки қисми болалар адабиёти. Бу йилги режаларимиз анча катта. 4 миллион 830 минг нусха китоб чиқармоқчимиз. Йилнинг биринчи чораги-да 1 миллион 25 минг китоб босмадан чиқди.

Нашриётимизнинг Болалар бадиий ада-биёти бўлимида тайёрланадиган асарлар сонини кўпайтирмоқчимиз. В. И. Ленин ҳақида, болаларни интернационализм ру-ҳида тарбияловчи ҳамда илмий фантастик китоблар, халқ оғзани иноди намуналари ва қардош халқлар болалар адабиёти асар-лари чиқарилади; Эркин Воҳидовнинг «Чаргобон», Н. Нечелодова ва Л. Резни-ченколарнинг «Лениннинг ёшлиги», Эсон Раҳимовнинг «Қушалоқ баҳор», А. Беним-бетовнинг «Ҳаёт йўлида», Н. Думбадзенин-г «Қуёшни кўряпман» китоблари улуг до-ҳий ҳаётга бағишланган.

Энг кичкинтой китобхонлар учун: «Расм-га қараб туриб ҳикоя қилинг», «Бу расм-да нима акс эттирилган», «Расм эртан», «Расм топишмоқ», «Бўёқ рангларини топингчи» деган серияларда кўплаб расм-ли китобчалар тайёрлапмиз.

Умуман, бу йил нашриётимизда чиқади-ган 129 китобдан 70 га яқинини болалар ва энг кичкинтой китобхонларга совға этамиз.

СОДДА ВА ДОНО

Китобнинг аввалида Кришна Рао Владимир Ильичнинг самодержавие-га қарши, Улуг Октябрь революция-сини тайёрлаш йўлидаги кураши ҳақида маълумотлар берилади. Кейинги боблар Ильичнинг ажойиб инсон сифатидаги фазилатлари, улуг гуманистлиги, публицистик фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

К. Рао бу китоб устида ишлаганда Ҳиндистонда прогрессив кучлар қув-ғида, аҳвол оғир эди. Бунинг устига, автор ҳеч маҳал Россияда бўлмаган, В. И. Ленин билан учрашмаган. Шун-дай шароитда, бу кийинчиликлари енгиб, доҳий ҳақида кўп ва аниқ ма-териаллар тўплай олди. Ҳиндистонда мустамлакачи ҳукмдорлар револю-цион Россия ҳақидаги ҳақиқатини халқдан яширишга зўр бериб урин-ган бир пайтда, К. Рао Ленин ҳа-қида китоб чиқаришга журъат қилди. Рао китобининг биринчи нашрига ки-риш сўзда: «Халқаро капитализм Россиянинг революция доҳийси ҳа-қида атайлаб ёлғон гаплар тарқат-моқда» деб ёзди.

Кришна Рао учун яна бир гов шу эдики, ўша даврда Ҳиндистонда Ган-дининг итлоатчанлик, золимларга қар-шилик кўрсатмаслик ҳақидаги тарғи-боти кенг тарқалган эди. Бундай пайтда ҳокимиятнинг зўрлик билан қўлга олиш, социалистик революция ва Ленин ҳақида китоб чиқариш яна бир катта жасорат эди. Китоб автори Ленини «пўлат иродали, аналитик ақл-заковат эгаси, содда ва доно, халқнинг қўнғлидагини яхши билув-чи, омманинг битмас-туғамас кучига ишонган» одам сифатида таърифлай-ди. У китобхонга илмий революцион назариянинг моҳиятини тушунтириш-га ўринади, бу назариянинг Россияда амалга ошаётганидан фахрланади, Россияда амалга ошаётган масалалар Ҳиндистондаги миллий озодлик ҳа-ракати учун ҳам актуал эканлигини айтади.



Ҳамидулла ЕҚУБОВ

ҚУЁШ

Қуёш балқиб,
Аста қалқиб,
Чиқади энг баландга.
Ҳар кун ўйнаб,
Ўлкам бўйлаб
Сочар ёрқин аланга.
Қайноқ нури
Жон ҳузур!
Баҳра олади борлиқ.
Дала-дашлар
Кўм-кўк яшнар,
Инсонга меҳнат — шодлик.

ТЎКИН ЭЗ

Келди тўкин ёз фасли,
Виз ишчан дехқон асли,
Богни жуда севамин.
Дўстлар билан беллашиб,
Меҳнат қилдик терлашиб,
Эрта пишид мевамиз.
Оқ ўрик, қизил ўрик,
Ҳосили шигил ўрик,

Битта қўймай терамиз.
Талай мактаб, ботчага,
Қўни-қўшни барчага
Сават-сават берамиз.

ОЛТИН КЎЛ

Хув, уфқимиз бетида
Чўғ бўлиб офтоб қалқир.
Офтоб ботар.

Кетида
Қизариб шафақ балқир.
Шафақ худди олтин кўл,
Нур сувнида сузасамми.
Ич-ичига ташлаб тўр,
Тилла балққ тутсамми.
Қайиқ қилиб қўшни
Куррани чир айлансам.
Шод қилиб қари-ёшни,
Барала қўшиқ айтсам.
Тендошлар, уфқимиз ҳам
Кўхлик! Шафақ сўзмасин.
Қуёш барқ урсин ҳар дам,
Қора булут қўймасин!

ЭЛЕКТРОНИКА ОЛАМИДА

Ҳозир чиқарилаётган телевизорни ҳам, радиоприёмникни ҳам электрон лампаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Электрон лампалар ҳамда шунга ўхшаш ичидан ҳавоси тортиб олинган вакуум асбоблар нима, уларнинг ичида қандай мураккаб физик жараёнлар содир бўлади? Бундай саволларга тўғри жавоб бериш учун аввало шу мураккаб жараёнларни бошқараётган физик қонуларни билиш зарур. Шу билан бир қаторда электроника соҳасида ўзбек физиклари яратган янгилликларни ҳам билиш жуда қизиқ.

Биз, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли Электроника институти лабораториясидамиз.

... Кичик телевизорни эслатувчи осциллограф экранда эгри чизик липди ҳаракат қилади. Бу — вакуум ичидан маъданини атом зарралари билан бомбардимон қилиш жараёни. Ана шу тажрибага асосланиб, Электроника институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Убай Орипов раҳбарлигидаги олимларимиз аjoyиб муваффақиятларга эришди. Улар яқинда физика фанида янгиллик бўлган «Атом зарралари ва қаттиқ жисм юзасининг бир-бирига таъсири» деган илмий ишлари учун Беруний номидаги республика давлат мукофотиغا сазовор бўлдилар.

Мукофот олганлар ичида Убай Ориповнинг ҳамкасблари физика-математика фанлари кандидати Аҳмад Алоҳонов, Раҳмон Раҳимов ҳамда Ҳабибулла Ҳожимухамедовлар ҳам бор.

Убай Орипов йигирма беш йиллик умрини мана шу кашфиётга сарфлади. Қанча қийинчиликлар, қанча қаршиликлар... Осон бўлмади албатта. Иланиш, ўз касбига муҳаббат олимни олганлар эди. Янгиллик яратилди. Энди бу кашфиётга фақат совет олимларигина эмас, ҳатто чет эллик мутахассислар ҳам қизиқиб қолишиди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси томонидан нашр этилган «Атом зарралари ва қаттиқ жисм юзасининг бир-бирига таъсири» деган китоб зудлик билан инглиз тилига таржима қилиниб, АҚШнинг Атом энергияси бўйича комиссияси томонидан нашр этилди.

Фанимиздаги катта ютуқ бўлган бу янгиллик **икки томонли модуляция усули** деб юритилади. Бу янги усул асосида кейинчалик фақат ион нурларидаги тўқнашувларгина эмас, атом, молекула ва электрон билан қилинган тажрибаларда бундан ҳам қизиқарли янги маълумотлар олинди.

Тошкент физиклари ишнинг «Физик электроника» советининг ўринбосари, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси ўртоқ Д. Зернов қуйидагича баҳолади: «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги Электроника институти ходимларининг қўп йиллик хизмати ион ҳамда атом нурларининг қаттиқ жисмлар билан тўқнашувинда иккиламчи жараён бирлигининг пайдо бўлиши тўғрисида мукамал тасаввур ҳосил қилишга ёрдам қилди ҳамда атом нурларининг ўзаро таъсир жараёнини кўрсатадиган воқеалар назариясини яратиб имконини берди».

Ўзбек олимлари яратган физик қонулар ҳам амалий, ҳам назарий аҳамиятга эга. Убай Орипов ва ҳамкасбларининг бу ишнинг биринчи пайтда асосан электр вакуум асбобларини, зарядланган газли қувурларни мукамаллаштириш учунгина зарурдай қўрилган эди. Эндликда бу ихтиро ўсиб келаётган ўнлаб илмий-техник ишлар манбаи бўлиб қолди.

Тошкент физиклари яратган назария ҳозирги кунда электроника техникаси ва технологиясини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Масалан, радиотехника шаклан ихчамлаштиришга қараб ривожланаётгани маълум. Катта ҳаякм-

ли конструкциялар кичик плёнкали асбоблар билан алмаштирилаётган ва ҳоказо. Бу ишларни амалга оширишда ҳозирги замон техника қонуниятларини, ион ва электрон нурлари билан қаттиқ жисмларнинг бир-бирига таъсирини яхши билмасдан туриб бирор натижа чиқариш қийин.

Космик аппаратлар учганда турли осмон жисмларига дуч келишлари мумкин. Бу ўринда ҳам янги очилган қонуният қўл келади.

Тошкент физикларининг иссиқлик ва ёруғлик энергиясини электр энергиясига айлантириш тўғрисидаги илмий ишлари ҳам космик аппаратлар яратишда фойдаланилаётган.

Таниқли олим Убай Орипов Москва «Наука» нашриётида босилиб чиққан «Атом зарралари ва қаттиқ жисм юзасининг бир-бирига таъсири» деган китобда шундай дейилади: «Физик жараёнлар илгари фақат ион ва электрон асбоблар билан қилинадиган текширишлар учун зарур бўлса, эндиликда у модда физикаси, газли лазер, ионосферада жисмларнинг товушдан тез ҳаракати, ой юзи эрозияси, ионли қотишган ярим ўтказгич ва радионин физика каби фан ва техника тармоқларини қамраб олди».

«Шуни тасдиқлаш мумкинки, — дейди Убай Орипов ўз китобинда, — атом зарраларининг ўзаро таъсирини қаттиқ жисм юзига текшириш қаттиқ жисм физикаси, ядро физикаси, электроника, ионли электрроллашган технологияда, космонавтика ва келгуси энергетикада жуда муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг бу соҳада қилаётган қўп йиллик илмий ишларимиз касби турлича бўлган китобхоналарни ҳам қизиқтиради.

А. ЕРШОВ,
инженер.

Табиат неъматлари

Қора смородина

Қора смородина — (қорагат) бўйи 1—1,5 метрли бутадир. Меваси хушбўй, юмалоқ, кўп уруғли. Май-июнь ойларида гуллаяди. Меваси августда пишадди. У ёввойи ҳолда СССРнинг ўрмонли зоналарида, ботқоқ четларида ва ариқ бўйларида ўсади. СССРнинг Европа қисмида, Сибирда ва бошқа районларда ўстирилади. Фойдаланиш учун баргларини май-июнь, мевасини июль-август ойларида териб олинади. Мевасининг таркибида 16,8 процентгача қанд, 2,5—4,5 процент органик кислоталар (олма, лимон кислотаси ва бошқалар); ошловчи ва буюё моддалари, кўп миқдорда С витамини (100—300 мг), В₁ (0,14 мг-процент), В₂ (0,7 мг-процент), А, Р витаминлари, эфир мойлари бор. Баргларинда С витамини, эфир мойлари, фитонцидлар, фенол ва бошқа моддалар бор.

Меваси ва барги авитаминоз, цинга касаллигига шифо бўлади, халқ медицинасида ишш шамоллаганда иштаҳани яхшиловчи, терлатувчи ва сийдик ҳайдовчи, ич кетишга қарши, барги эса бод касаллигига даво ҳамда терлатувчи дори сифатида ишлатилади. Шунингден помидор, бодринг, қарам тузлаша фойдаланилади. Мевасидан хушбўй, тотли, витаминларга бой муробболар тайёрланади.

Фойдаланиш йўллари: 1) Бир стакан қайноқ сувга бир ош қошиқ мевасидан солиб, бир ярим-икки соатдан сўнг шакар қўшиб, кунига икки-уч марта ярим стакандан ичилади; 2) Сийдик ҳайдовчи, терлатувчи ва ич кетишга қарши дори сифатида эса бир стакан сувга 20 грамм мевасидан солиб 30 минут қайнатилгач, кунига уч маҳал бир ош қошиқдан ичилади; 3) Икки ярим стакан қайноқ сувга бир ош қошиқ барг солиб, бир неча соатдан сўнг докада сузилади, кунига тўрт-беш марта ярим стакандан ичилади. Бу дамлама бод касалига даво бўлади.


Итбурун

Наъматакнинг бир тури. Бўйи уч метр келадиган бу бута Урта Осиёда, СССРнинг Европа қисмида ва Кавказнинг тоғли районларида, ўрмон четларида, болларда, ёнғоқ ва арчазорларида ўсади. Унинг мевасида наъматакка нисбатан С витамини камроқ. Таркибида 0,2 С ва К, В₁, Р витаминлари, 4—12 мг-процент каротин, 8—15,5 процент қанд; 1—13,6 процент лимон ва олма кислоталари, эфир мойи, ошловчи, буюё ва бошқа моддалар, уруғида 8,5—9,6 процент ёғ бор.

Итбурун маҳсулотидан жигар касалликларини (колецистит, гепатит) даволашда, мева ичидagi уруғларидан сийдик ҳайдовчи дори сифатида фойдаланилади. Ундан холосас дориси тайёрланади.

Наъматак ва итбурундан қуйидагича фойдаланиш мумкин: 1) Икки стакан сувга икки ош қошиқ идиш солиб, 15 минут қайнатилади. Икки соатдан сўнг докадан ўтказиб оёқатдан олдин кунига 4 марта ярим стакандан ичилади. 2) Икки стакан сувга бир ош қошиқ мева солиб, 10 минут берк идишда қайнатилади-да, бир неча-кундуздан сўнг докадан ўтказиб сиқилади ва шакар қўшиб кунига икки-уч марта ярим стакандан оёқатдан олдин ичилади. 3) Бир стакан сувга бир чой қошиқ толқонланган уруғ солиб ярим соат берк идишда қайнатилади ва икки соатдан сўнг докадан ўтказилади. Кунига уч-тўрт маҳал оёқатдан олдин чорак стакандан ичиб турилади. 4) Бир ярим стакан қайноқ сувга бир ош қошиқ барг солиб, берк идишда қайнатилади. 2—3 соатдан сўнг докадан ўтказиб, оёқатдан олдин кунига уч-тўрт марта икки ош қошиқдан ичилади. 5) Киселлар, компотлар, квас, кофе, чой, пирог, печенье, қуритилган нонларга наъматак толқони ёки шарбатидан солинса сўнг докада сузилади.

Сайфиддин ФАХРИДДИНОВ,
медицина фанлари кандидати.



САРДОБАЛАР

Ҳозир элюрт зилол сувга сероб. Ешларимиз сардоба сингаринарсаларнинг нима акнини ҳам билмаслиги мумкин. Улкамиз тарихи — сув учун кураш тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Сув муҳтожлиги халқимизни ажайиб иншоотлар қуришга мажбур этган. Жазирама Қарши чўлида жойлашган қишлоқларнинг бир қанчасида сардобалар ҳали ҳам сақланади.

Кесалар нақлига кўра, Қамаш қишлоғи 700 ёшга кирибди. Қишлоқда қадимдан хўжани, холиқи, мушқоқи, кийинки, эрони деган уруғлар яшаган экан.

Кейинроқ Қамаш бойлари Бухоро амири ва Қарши беклигининг ижозати билан Қаш-

қадарёдан сув келтирадидлар. Лекин, барибир, аҳоли ичимлик сувга ёлчмайди. Қуз, қиш ва ёз ойлари сувга муҳтожлик қолаверади. Бу муаммо қишлоқ кесаларини қаттиқ ўйлантириб қўяди. Ана шундай кишилардан бири — Қамаш қишлоғининг оқсоқоли Эшқулҳожни эди. У Бухоро амириликдидан ўз маблагига Қамашда сардоба қуришга рухсат сўрайди. Самарқанддан усталар олдириб келади. 1891 йили Қоровултепа яқинида сардоба қурилишига киришилади.

Икки йил деганда сардоба битказналади. У ёғочсиз, фақат пишқ гишт билан ганчдангина тикланади. Кўриниши думалоқ, ости доира шаклида, усти гумбазсимон. Сувхонаси

олти-етти газ чуқурликда. Икки томондан махсус сопол қувурлар қўйилиб, бирдан сув киритилган, иккинчиси орқали ҳовуз тозалаб турилган. Сардоба йилига икки марта сувга тўлғазилган. Шундай қилиб, бутун Қамаш қишлоғининг аҳолиси ичимлик сув билан таъминланган.

Сардобадан сув олиш қондалари ҳам қизиқ. Битта челақ аргамчига боғлаб қўйилган. Сувга келганлар фақат ўша челақда сув олишган. Сардоба атрофини лой қилиш, сув тўкиш, ифлослантириш қатъий тақиқланган. Шунинг учун ҳам сув доим покиза сақланган.

Орадан 22 йил ўтгач, 1913 йили сардоба биринчи марта Эшқулҳожининг ўғиллари то-


монидан тузатилган. Айрим эскирган, кўчган жойлари қайта тикланган, яхшилаб тозаланган.

Сардоба ота-боболаримизнинг сув учун кураши, ўтмиш ҳаётдан ҳикоя қилувчи обиди сифатида ҳам, зилол сув манбаи сифатида ҳам ардоқлашга арзийди. Шунинг учун Қамаш қишлоғининг колхозчилари 1958 йили сардобани яна бир марта яхшилаб тузатдилар.

Аммо ҳозир ёнидаги ҳовуз кўмилиб, тутлар кесилиб, сув шохобчалари бузилибди. Колхоз правлениеси шунга эътибор қилса бўларди.


Ҳайт ИСМОИЛОВ,
тарих фанлари кандидати.

Сардобанинг
сувхонаси.



Сардобага шу йўлакдан кирилади.

Б. ШТИН расмлари



ДОЛМА ИККАДОД УНУН ОЎБ СТЯЖИЎИД
ТҮҲКИЗ АСР ИДИ БИЛИГ

1969 йилда туркий халқларнинг XI асрга мансуб ва ўша даврдан бизгача етиб келган бадий асарларининг биринчи намунаси «Кутадғу билиг» («Кутлуг билим»)нинг ёзилганига 900 йил тулади. Бу поэма туркий халқларнинг тарихий тараққиёти, тилларининг шаклланишини ўрганиш учун конкрет далилларга бой бир манбадир. Асарнинг ҳозирча фақат у кўлёма нусхаси маълум. Булардан бири уйғур ёзуви билан XV асрда Ҳиротда кўчирилган. Бу нусха Истамбулда топилган ва ҳозир Вена кутубхонасида сақланади. Қолган икки нусхаси араб ёзуви билан кўчирилган бўлиб, булардан бири 1896 йилда Қоҳирада топилган ва ҳозир ўша ерда сақланади. Учинчи нусхаси эса 1913 йилда Наманганда топилган. Шарҳшунослар эштирофича, энг мукаммал ҳисобланган бу нусха Тошентда Абурайҳон Беруний номидаги Шарҳшунослик илмий-тектириш институтида сақланмоқда.

Асар автори боласоғунлик Юсуф поэмани қорахонийлар салтанатининг хоқони Бугро Қорахонга таъдим қилган, хон китобни юқори баҳолаган ва авторга ўз салтанатида хос ҳожиблини лавозимини берган. Шунинг учун авторнинг оти Юсуф Хос Ҳожибдир.

Ҳижрий 462 (мелодий ҳисоб билан 1069) йилда ёзилган бу асар ҳажм жиҳатидан анча катта, ўн уч мингга яқин мисралар иборат. Арузнинг Шарҳ эпик тури учун мос бўлган муноторин баҳрида, маснавийда битилган.

Поэма ўтмиш ҳаётининг, маданиятнинг турли томонларидан маълумот бериш билан бирга, тарихий, ижтимоий-сиёсий, иктисодий, маъмурий ҳаётни ўрганишда ҳам қимматлидир. У дидактик руҳда ёзилган. Муайян


бир сюжет асосига қурилмаган бўлса-да, воқеалар тўрт асосий қаҳрамон (Кунтуғди — хоқон, Ойтўди — унинг вазири, Уғдулмиш — вазирнинг уғли ва Узғурмиш — вазирнинг қариндоши) ўртасида бўлиб ўтадиган савол-жавоб ва мунозара асосида баён қилинади.

Бу асар салжуңийлар отабиғи ва вазири Низомул-мулнинг «Сибёснома», амир Унсурулмаоли Найновсунинг «Қобуснома» асарлари билан ҳамоҳанг. Ёзилиш тарихи эътибори билан «Кутадғу билиг» «Сибёснома»-

дан ҳам, «Қобуснома»дан ҳам қадимийдир. «Қобуснома» ва «Сибёснома» асарлари ҳозир рус ва узбек тилларига таржима қилинган, китобхоналар бу асарларнинг мазмунин билан танишлар. Туркий тилда ёзилган ва узоқ ўтмишнинг ҷомуси ҳисобланган «Кутадғу билиг» эса ҳали китобхоналарга тандим қилинмаган.

Хурматли журналхонларга қуйида асарнинг Қоҳира нусхасидан баъзи намуналар тандим этилади.

Қаюм КАРИМОВ,
филология фанлари кандидати.



ТИЛ ВА СЎЗ ҲАҚИДА

Уқушқа, билигга бу тилмочи тил, Яруттачи эрни йўриқ тилини, бил. Заковот, билимнинг таржимони тил, Ёруғликка элтар кишини у, бил.

Сўзунгги кўзағил башинг бармасум, Тилингни нўзағил тишинг синмасун. Сўзинг эҳтиёт қил, бошинг кетмасин, Тилинг эҳтиёт қил, тишинг синмасин.

Ўтуш сўзлама сўз, бирар сўзла аз, Ўтуш сўз туғунин бу бир сўзда яз. Узун сўзлама сўз, ҳарғиз сўзла оз, Талай сўз чигалин шу оз сўзда ёз.

Ёсанлик тиласа сенинг бу ўзунг, Тилингда чикарма яроғис сўзунг, Омонлик тиласанг агар сен ўзинг, Тилингда чикарма яроғис сўзинг.

Сўзуг барча сўз теб чикарма тилин, Кўру, сақну сўзла, керакин билин. Ҳамма сўзини сўз деб гапирма бирёқ, Керак сўзини сўзла, бўлиб кўз-қулоқ.

БИЛИМ ҲАҚИДА

Билингни беауз бил, уқушни улуг. Бу эки безутур узурмиш қулуғ. Билимнинг, зеҳннинг улугдир ўши, Шулардан қутлуг наф топар ҳар киши.

Уқушлуг уқар ул, билилгил билир, Билилги, уқулги тилакка теғир. Ўқиган уқади, билимди ютар, Билимни, зеҳнли тилакка етар.

Уқушсиз киши ул емишсиз йиғач, Емишсиз йиғачиғе неку қилсу ач.

„Кутадғу билиг“ дан

Ўқимаган киши мевасиз оғоч, Мевасиз оғочни нима қилсин оч.

Киши кўнгли тубсиз тенгизтеғ турур, Билиг йўнжу сани тубида йатур. Киши кўнгли тубсиз денгиздай, Билим нижу янглиғ тубида ётгай.

Тенгиздин чиқармаса йўнжу киши, Керак йўнжу бўлсин, керак сай таша. Денгиздан чиқармаса илжини киши, У нижу нимаю, надир сой тоши.

Уқушли билилги эзи эзгу нанг, Қали бўлсанг ишлат, учуб кўнка танг. Заковат, билимдир ажаб эзгу куч, Эришсанг, амал қил ва кўкларга уч.

ЯХШИЛИК ҲАҚИДА

Тиригликни мун қил, асиг эзгулик, Парин бўлға эзгу егу, кизгулик. Тириликда қилгин эзгулик, Яхши ишинг егу-кйиғулик.

Керак бег, керак қул йа эзгу эсиз, Ўзи ўлди эрса ати қалди из. Бекми, қулни, яхши бўлса ҳаётни, Ўзи ўлғичда ҳақ қолади оти.

Эки турлуг ат ул бу тилда юрир, Бир эзгу, бир эсиз ақунда қалир. Қолар икки хил ном бу тилда мудом, Бирдир ёмон ном, бири яхши ном.

Киши эзгу атин, кўр, алқиш булур, Атиқмиш эсиз ўлса, қарғиш булур. Киши яхши ном билан олқиш олар, Агар ёмон бўлса, қарғиш олар.

ГАМҲҲҮРЛИК ҲАҚИДА

Ўзунг бўлса ҳажиб урунч алмағу, Чигай, тул, етимлар сўзин тинглағу. Ўзинг ҳоқиб эрсанг парва олмагин, Етим, камбағал, тул сўзин тинглагин.

Бузуңда тўсулғил, мунгинга яра, Қазеңча бағир бер, яқинлик ула. Халойиққа наф қил, ғамига яра. Қариндошга дил бер, кўшнингга қара.

Етим, ўқсузуг кўр йа тул, тулсақиг, Йа қўсузу, йа ўлдрум, йама ахсақиг. Етимга, есирга, бева, тулга боқ, Кўру шолу оқоқ, чўлоқ қулга боқ.

Ҳалал дуня қазган, чигайча ула, Киши элги тутғил, йанут қил, йўла Халол дунё топу фақирга улаш, Киши кўчидан тут, кўмак қил, қараш.

ОЛИМЛАР ҲАҚИДА

Пўқ эрса ақунда бу алим, бўғу, Тисиб умнағай эрди ерда еғу Жаҳонда эса йўқ олим, билимдон, Экиб унмас эрди еримада дон.

Улар илми болди бузуңда йўла, Ярус а йўла туила азмас йўла, Олим халққа мисли қароғонб, Чироқ ёнса, тунда адашмас инсоп.

«Конун қиличи етмаган жойга сатиранинг тиғи стади».

А. С. ПУШКИН.

... Универсал магазинга сомиздан келган, шяла кийган, ўрта ёшли бир одам кириб келади. У сотувчи қизга «Менга бир комплект шёла керак» дейди. Сотувчи қиз «Шёлалар сотиб бўлинган» деган ёзувга имо қилиб, «Саводингиз борми?» деб дўқ қилади. Келган одам маъноли боқиб: «Сизга телефон қилишмадимми?!» деб сўрайди. Тарадудда қолган сотувчи дарҳол прилавкка остидан унга бир даста чойнак ва шёла олиб беради. Ана шу одам докторга учрайди. Доктор уни сиччиқлаб текшириб кўргач: «Табриклаймак, сиз соппа-соғина!» дейди. Бу жавобни кутмаган «бемор» дарҳол: «Кечирасиз, сизга телефон қилишмадимми?!» деб сўрайди. Доктор шошиб қолиб, «Эҳтимол, бирон каттароқ бошлиқ сиз қонқандир» деб ўйлаб, уни бошқадан «текшириб» кўради ва «Сиз курортга бориб даволанишингиз керак» деб ёзиб беради. Ана шу одамнинг хотини тугади. У туғруқхонага бориб чақалоғини уйига олиб кетмоқчи бўлади. Доктордан ижозат сўрайди. Навбатчи врач рўйхатга қараб: «Табриклаймак, хотинингиз қиз туғди!» деса, ишнини телефонда сиз қонқш билан битирувчи бу шилқин, ўзининг қарда турганини унутиб: «Сизга телефон қилишмадимми?!» деб юборади!

Бу лавҳа Ўзбекистон сатирик киножурнали «НАШТАР»нинг республика киноэкранларида кўрсатган 72 сюжетидан биттаси. Ҳаётимизда ҳали ҳам рўй берадиган баъзи иллатларга қарата отилган еттиш икки зарбдан анча-мунча бюрократ, муттаҳам, ивгогар, ишққмас, лаганбардор, брачки ҳам ароқхўр мушт еди, унинг омонсиз қалтағидан бурни қонади, ишдаги жиддий камчилик ва нуқсонлар барҳам топди! Булар «Наштар»нинг бадиий-ҳажвий лавҳалари, ҳужжатли кинофелетонлари, проблематик фактлар, сатирик манзаралари ва ўткир миниатюралари эди.

Республикамиз жамоатчилиги томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинаётган «Наштар» сатирик киножурнали Ўзбекистон халқ контроли комитети органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Бу эса журналнинг конкретлиги ва таъсирчанлигини таъминлайтир.

«Наштар»нинг Бутун Иттифоқ сатирик киножурнали «Фитиль»га ҳам кирган бир сюжети ташландиқ бўлиб ётган темир-терсақ муаммоси эди. Киножурнал чиққач, халқ контроли комитети Сирдарё ва Бухоро областларига вакил юборди. Текшириш натижаларини коллегиянинг махус мажли-



72 ЗАРБА

сида муҳокама қилди, фактлар тўла тасдиқланиб, айбдорларга чора кўрилди, камчиликлар тузатилди.

«Наштар» киножурналининг географияси ҳам, тематикаси ҳам, авторлар доираси ҳам кенгаймоқда. Журналнинг ижодий ходимлари областларда «Наштар» сюжетларини суратга олиш вақтида томошабинлар билан ижодий учрашувлар ўтказишди. Тошкент, Нукус, Самарқанд, Қарши, Урганч, Термиз, Гулистон ва Денов шаҳарларида ўтказилган ижодий учрашувларда томошабинларга «Наштар»нинг янги сонлари кўрсатилди, фикр-маслаҳатлар олинди.

Журналини чиқаришда ўзбек кино санъатининг таниқли арбоблари Э. Собитов, Л. Файзиев, А. Хачатуров, А. Ҳамроев ўртоқлар ҳисса қўшмоқдалар. Сюжетларимизда атоқли кулги усталари СССР халқ артисти Раҳим Пирмухамедов, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ғани Абзатов, Соиб Хўжаев, Рауф Болтаев, Марам Ёқубова, Ҳамза Умаров, Икром Болтаева, Махсум Юсу-

повлар қатнашиб, томошабинларни мамнун этмоқдалар.

Ўзбек кинематографчилари бу сатирик киножурналини чиқара бошлаганларида, атоқли сатирик ёзувчи, «Фитиль»нинг бош муҳаррири Сергей Михалков қуйидаги табрикномани йўлаган эди.

«Фитиль»нинг укаси — «Наштар» чақалоқ, Ишда қўрқш нима — билмасин муллоқ.

«Фитиль»дан олиб у ўрнак-андоза, Нуқсонга ўт очсин, боппласин тоза!.

Ўзбек кино ҳажвчлари сюжетларнинг ўткир, пухта, юксак бадиий бўлиши учун, халқимизнинг ижодий меҳнатига ҳалақит берувчи нуқсонларни бартараф қилишда партиямизга актив ёрдам бериш учун бор кучларини сарф қиладилар.

Сания АБДУҚАХХОР,
«Наштар»нинг масъул секретари.



«Наштар»нинг 18-сонининг «Саломат бўлинг».

КУНЛАРДАН БИР КУН...

Бир одам ўпнак насал бўлса керак, деб шубҳаланиб юрар экан. У жуда кўп врачларга ўзини кўрсатибди, насалхоналарга қатнабди. Аммо ҳеч ким «Касалинг бор экан», демабди.

Ҳалиги одам машхур шифокор С. П. Боткиннинг олдига келибди. У яхшилаб кўриб: — Тўғри, касалингиз бор, лекин касалингиз шу қадар арзимасин, бошча врачлар пайцамаган бўлишлари ҳам мумкин,— дебди.

Кейин Боткин ҳалиги одамга дори ёзиб берди.

— Ичиб турсангиз инни-уч кунда тузалиб кетасиз,— дебди.

«Бемор» кетгач, Боткин атрофини ўраб устозларининг ишдан ҳайрон бўлиб турган студентларга тушунтирибди:

— Бу одам соппа-соғ. Фақат ҳадичини бў-

либ қолган. Касалинг йўқ деганим билан ишснмас эди. Энди бўлса, касалимни топишди, даволашди, деган ишонч билан тузалиб кетади.

* * *

Кунлардан бир кун француз кимёгари Бернар Куртуа ўз лабораториясида нонушта қилаётганди. Стол устида овқатдан ташқари яна иккита шиша ҳам бор эди. Биттасида спиртта денгиз ўти қийқими, иккинчисида гугурт кислотасига темир кунуни солиб қўйилган эди.

Шу пайт кимёгарнинг елкасига мушуги чиқиб олди. Куртуа қимирлаганида мушуги столга қулаб тушиб у ерда турган шишаларнинг ағанатиб юборди. Уларнинг ичиндаги суюқлик полга оқиб, бир-бири билан аралашиб кетди. Аралашмадан эса созилар-созилмас ойнаш раиғ бур гўтарила бошлади. Шу бур полда сочилиб ётган шиша синиқларига юққанида маъдандай товлануви майда кристаллчаларга айланди. Ундан аллақандай ўткир ҳид тарқала бошлади. Бу тоза йод эди.

Кейинча янги ҳосил бўлган элементга йод

деб ном берилди. «Йодес — юнонча, бинафша ранг дегани.

* * *

Қишки совуқ кунлардан бирида немис алхимиги Брандт ишонқасининг эшгини очди-ю, қоронғида нўнимтир товланиб турган шувўлага кўзи тушиб ажабланди. «Бу тилла бўлса керак, ниҳоят кўп йиллик меҳнатим зое кетмапти!» деб қувонди. Аммо яқин бориб қараса, йилтираётган нарса шиша ичиндаги аллақандай нотаниш модда.

Брандт узоқ йиллар «мўъжизали тош» топиш, унинг ёрдамида турли маъданларни тиллага айлантиришни хаёл қилиб юрарди. У аралаштириб қайнатмаган, эритмаган модда топмаганди. Охири марта ҳайвонларнинг пайнуб кислотасини ҳам қайнатиб, буғлантириб юборганди, ҳосил бўлган аралашмани текшириб кўрса, осон эрийдиган майин модда бўлиб чиқди. Унинг фалати хусусياتи бор эди: бошча нарсаларга юкса, уша нарсалар ҳам қоронғида ялтирарди. Шунинг учун Брандт янги моддани «фосфор» деб атади. Фосфор — юнонча, нур сочувчи дегани.

ТОШКЕНТДА ЧАНГНИ ЙЎҚОТИШ?

МУМКИН!

Бекатларда бетоқат бўлиб, трамвай ёки троллейбус кутаётганин. Гизда, баъзан кенг, баъзан тоғ кўчалардан ўтиб бораётганин гизда ҳар хил гаплар қулоққа чалинади.

— Пуфф... бу кўчалар мунча чанг бўлмаса-я...

Тўғри, шаҳримизда улкан қурилиш кетаяпти, қурилиш майдонларида чанг, лой бўлиши табиий, лекин қурилиш бўлмаётган жойларда-чи? Шундай кўчалар ҳам борки, у учиндан бу учига етгунингча худди тегириқлардан чиққанга ўхшаб қоласан. Чангдан ташқари, ҳар хил чўқинидилан ҳам баъзан майдонларда, хиёбонларда уйилиб ётади. Мен ҳар кун ишга Беруний майдони орқали ўтаман. Шу ўртада йиғирмадан ортиқ сома, морожено сотадиган катта-кичик дўконлар бор. Шуларнинг атрофидаги қоғоз, ахлат уйимларини кўрганмисиз? Наҳотки, дўконда ишлайдиганлар одам саломатлигининг гарови бўлган озодалликка шунчалик бепарво бўлишса!

Мен, шаҳримизнинг бир оддий фўқароси сифатида, майда ариқларнинг, баъзан анҳорларнинг йўқолиб бораётганидан ҳам ташвишдаман. Ана шу ариқчаю, анҳорларда зилол сув шарақлаб оқиб турарди, яқин ўртадаги кўча, майдончаларга шу ариқлардан сув сепиларди, Анҳору ариқлар бўйида дам олсанг арзигудек соя-салқин жойлар бўларди. Нега ариқлар йўқолиб кетаяпти, нега бунинг олди олинмади?

Ф. МУХИДДИНОВ,

Чилонзор районидаги 84-ўрта мактаб директори.

Кўриб турибсизки, ўртоқ Муҳиддинов қаттиқ ташвишланиб ааяпти, ҳаммамыздек, шаҳримизни чанг ва гўбордан холи кўришни орзу қилапти. Чанг организм учун зарар деганимиз билан ҳамма дарров уқа қолмас экан. Очиги, ўзим ҳам бу ҳақда кам ўйлар эдим. Келинг, мутахассисларга мурожаат қилайлик.

Одам бир соатда ўрта ҳисоб билан 320—350 литр ҳавони ўпка орқали ўтказиб, унинг таркибидagi нислорудин қон билан биринтириб, организмда ушлаб қолади. Шунинг учун ҳавонинг тоза ва нислоробда бoй бўлиши жуда аҳамиятди. Нафас олдганда ҳаво билан унинг таркибидagi барча зарарлар организмга сингади. Нафас йўлларида кирган чангнинг миқдори ҳаддан ташқари кўп бўлса, уни организмдан чиқаришга улгуриб бўлмайди, чангнинг узулуксиз таъсири натижада аса юқори нафас йўллари яллиғланади.

Ўпкага етиб бораётган чанг зарарларининг бир қисми альвеоларнинг деворларига ёпишиб, аста-секин тўқималар орасига киради. Уп-када чанг зарралари кундан-кунга кўпайса ҳужайра ва тўқималарга ёмон таъсир этиб, уларни ҳалок этади. Кейин нормал тўқималар ўрнига қўшувчи тўқималар ўсиб ўпка альвеоларининг нафас олганда неғайбига ва чиқарганда тораёиш хусусияти йўқолади. Бунга ўпка тўқималарининг яллиғланиши дейилади, бу процесс секин-аста кучайиб бораверади.

Натижада ўпка альвеолари бузилиб, кирган ҳавонинг кўпчилиги қисми ташқарига қайтиб чиқа олмайди, аста йиғилаётган ҳаво аса альвеоларнинг деворларини йиритиша, бир неча альвеоларни кўшиб йўқат, ёнғоқ катталигидаги пуфакчалар ҳосил бўлишига олиб келади. Бунга эмфизема касаллиги дейилади.

Қисқаси, ҳавонинг тоза ва соф бўлиши инсон саломатлигининг ва узоқ умрнинг асосий шартларидан биридир.

Р. АЪЗАМОВ,

медицина фанлари кандидати.

Ундан чиқди, тоза ҳаво учун курашни каттаю-кичик ҳаммамизнинг ишимиз экан. Лекин шундай бўлса ҳам, шаҳримиз ҳаминша озода, кўчалар ҳаминша чинидек ярақлаб турсин учун масъул кишилар тайинланган, масъул ташкилоту масъул маҳкамалар бор. Ана шу ташкилотлардан бири шаҳар санитария станцияси. Борганимизда бош врач ўринбосари С. Л. Дубровскийга дуч келдик.

— Демак, яна газетга уриб чиқар экансизлар да.

— Сизнингча, шаҳримизнинг санитария аҳолини қониқарчи деса бўладими?

— Йўқ, Масялян, мен яқинда Киев, Донецк, Запорожье шаҳарларинда бўдим. Ушаларга солиштириадиган бўлсан, аҳолининг анча иночор. Сизгичай пайтларда менда бир қанча мулоҳазалар туғилиб қолди.

1-мулоҳаза. Визда ахлатни ташин нотўғри уюштирилган. Масалан, Октябрь районида олиб кўрайлик. Бу районда 250 минг аҳоли яшайди. Киши бошига бир килограмдан ахлат йиғилса ҳам бир кунда ўртача 250 тонна чиниди тўпланади. Шундайми? Октябрь район «Дормех» базисида 76 та ахлат ташийдиган машина бор. Ҳар бири бир қатновда бир ярим тоннадан олданда 114 тонна олиб чиқади. 2—3 бор қатнагудек бўлса, районда ахлат деган нарсa қолмайди, шундайми? Лекин баъзи шофёрларимиз кўз бўямачилик йўлига ўтиб олишган. Бир ёки икки марта қатнаб, беш-олти марта қатнамиди деб рўйхатдан ўтишадилар, қатнов планини ортинги билан бажарган бўлиб, мукофот олишадилар. Бу усулдан воз нечтин керак. Районни микро-участкаларга бўлиб, шофёрларга бириктириб қўйиш керак. Қатнаганинг учун эмас, балки бириктирилган участкани озода сақлаганинг учун мукофот олсан, деб тайинлаб қўйиш керак.

2-мулоҳаза. Аҳоли кўп яшайдиган массивларга бириктирилган ахлат ташувчи машиналар қатъий графика асосида қатнамайди. Вугун соат 9 да борса, эртага 11 да боради. Сигнални қўзиб-қўзиб бир-икки чапалдио, кишилар ахлат чиқариб улгурмасдан нариги маҳаллага ўтиб кетади. Ахлат олиб чиққан одам қайтариб уйига олиб кириб кетар-

миди? Албатта кўчага ёки ариқнинг лабига тўкиб кетади-да. Йўқ. Бунга чек қўйиш керак. Қатъий графика тузиб, машина тўхтайдиган жойга осиб, ана шу графика одамларни ҳам, машинани ҳам ўргатиш керак.

3-мулоҳаза. Шаҳримиз территорияси ҳозир 21 минг гектарга етди. Унда 1 миллион 360 минг аҳоли яшайпти. Ана шу аҳолидан 40 фойизга яқини ҳали «Дормехбаза» идоралари билан шартнома тузган эмас. Ўз хонадонларидан чиққан ахлатни кўчаларга яширинча элиб ташлашади. Ана шулар ҳам кўчаларимиз, анҳорларнинг бўйларини, чорраҳаларининг ифлос бўлишига сабабчи. Ана шу кишилар шартнома тузиш керак.

4-мулоҳаза. Шаҳар «Автодормехбаза»сида 753 та машина бор. Булар кўчаларни супуриши, сув сепиши, ахлат ташини — аҳолига хизмат қилиши керак. Лекин бу машиналарнинг кўпчилиги тартибни тузиб завод, фабрикаларга хизмат қилаяпти, яширинча шартномалар тузиб, кўпроқ пул ишлаш пайидан бўлиаяпти. Бунга шаҳар ижроа Комитети қаттиқ қоралаши, айбдор кишиларни жавобгарликка тортиши керак.

Бунга ана шуни қўшимча қилиш керак:

Қурилиш майдонларидан юк машиналарининг гилдирагига яллашиб чиқадиган лой ҳозир кўча чангининг манбаи бўлаяпти. Қурилиш бошлиқлари, прораблар бунга қарши чора кўрса бўларди. Кўчаларда асфальт ишларининг сифати жуда паст. Йўллар тоғ, асфальтланган нисм тупроқдан ҳеч нарса билан яқратилмаган, парпетлар йўқ, натижада асфальтлар тупроқ билан қоршиб ётади. Бу ҳам кўча чангининг асосий манбаи.

Октябрь район коммунал хўжалик бўлимига республикада хизмат кўрсатган ирригатор Комил Файзиев бошлиқлик қилади. Ф. Муҳиддин-ненинг хатини унга ҳам бериб, анҳор ва ариқлар ҳақидаги мулоҳазасига қўшилиш-қўшилмаслигини сўрадик.

— Сув бўлмаса ободончилик ҳам, озодалик ҳам бўлмайди. Комхозга мудир бўлганимга 16 йил бўлди. Шундан буён ирригация шохобчаларини сақлаб қолиш учун «енг шимариб жанг» қиламан. Шунга қарамай, 20 минг метрча аригу анҳорлар йўқолиб кетди.

— Нима сабабдан?

— Лой-ақчилар лойиҳа тузаётганда маҳаллий шароитни яқин ўрганамай, баъзан ариқнинг бошланиши ва тугалланиши қайси томон-диганига билмасдан туриб, шунчаки бир ариқни планлаштириб кетишади. Ана шундай қилиб, сув юрмас ариқлар пайдо бўлади... Лой-ақчалар институтининг бош ирригатори Н. В. Гусева ҳам бу ўринда анча айбдор.

— Анҳор бўйларини хиёбонларга айлантириш ҳақида нима дейсан?

— Бу йўлда катта иш қилинапти. Анҳорларнинг икки четида хиёбонлар, йўллар пайдо бўлмоқда. Лекин баъзи жойларда ана шундай йўлчаларга қонунасиз унчалар, товуқхонаю, ҳаммомхоналар қуриб оладиган бўлишди. Бу қонунасиз қурилган «дўкончалар»и бузиб ташлаш, сувни ифлос қилаётган шахсларни, айрим ташкилотларни жазолаш керак.

— Шундай ташкилотлар ҳам борми?

— Бўлганда қандоқ. Онкодиспансер, юқумли касалликлар касалхонаси, 3-шаҳар болалар касалхонаси ходимлари чиқиндиларни, ифлос сувларни Калкувэз каналига тўқинади. Уларни соғлиқ, озодалик ҳақида ҳаммамизга ақл ўргатишади. Амалда аса сувни ифлос қилишади... Қани энди, шаҳар санитария милицияси ана шундай азаматлардан беш-ўнгашини штраф қилса!

Куйбишев районидаги Черданцев массивида 6, 8, 12-уйлар атрофида ахлатлар тоғ-тоғ бўлиб ётибди. Шасти кўчасидаги 29, 31-уйлар ёнидаги ахлатлар аса шу уйлар қурилгандан буён олинмаган. Киров районидаги Ялта, Қрим, Кисловодск кўчалари ифлос. Шу райоилардаги «Автодормехбаза»даги машиналарнинг ярми негадир кўри-намайди. Суриштирсак, корхоналарга қирақашликка кетган экан. Ҳамза, Куйбишев районларида аса мехбаза директорлари кун ора алмаш-берганидан шофёрлар уларнига «мустанқил» бўлиб олинишди, ним қайфга кетаётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ахлат ташланадиган жойда қизик воқеанинг устидан чиниб қолдик. Ленин районига қара-рашли 60—78 ТНА машинасининг шофёри Лев Теретин кўрүк маши-нини ҳайдаб келиб, путёккамга қўл қўйиб берасан деб тўқилиш қи-лапти.

— Уялмайсизми? — дедик Теретинга.

— Бошқалар-чи, улар машинага ахлат юклаб келади деб ўйлай-сизми!

Шофёрлар ку, шу аҳволда экан, кўча супурадиган минглаб хизмат-чиларимиз-чи! Улар ҳам ўзига хон, ўзига бек бўлиб олишибди. Қўн-гиллари хушласа ишга чиқибди, хушламаса йўқ. Виз теккирган кунин Фрунзе, Куйбишев районидаги фаррошлардан паққос ярми ишга чиқмади. Чиққанлари ҳам Шота Руставели, Жуначарское шоссега ў-наш «кўзга яқин» катта кўчаларни наридан-бунга супуриш, супуришни елкаларига ташлаб уларнига жўнаб қолдиши.

Баъзилар ахлатни яшиқлар ёнига, зилол сувли анҳорларга, кўча муолишларига ташлаб кетади деб эшитардик. Уларни биз чангнинг зарарига тушуниб етмайдиган онгсиз кишилар деб юрардик. Мячлум бўлишича, улар орасида 3-поликлиниканинг ходими Соколова, трансп-орт институтининг студенти Морозова, тез ёрдам станциясининг фельдшери Алиев, 135-мактабнинг илмий бўлим мудирин Пак сингари ўқинишли, чанг ва ифлоснинг зарари ҳақида ҳаммадан кўп гап сотадиган кишилар ҳам экан...

Езамиз десақ гап кўп. Неча минглаб фаррошлар, неча юллаб сани-тария ходимлари, ҳисобсиз шофёрлар, ўнлаб масъул кишилар чанг билан олишаяпти-ю, баъзан қилинган ишлар чанг остида қолиб кетаяпти. С. Дубровский айтганидек, Тошкент шаҳрининг санитария ҳолати-ни яхшилаш учун бутунлай янгича услуб жорий қилиш керак. Ҳамма ўз ўрнида ўзини масъул сезса, шаҳарни озода, ҳавони соф қилиш мумкин.

Х. ТУХТАБОВЕ,

БУРГУТНИНГ ЎЛИМИ

Умр паймонаси тўлганини сезган бургут сўнги марта баянд осмонга парвоз этиб, тепадан ўзини ерга — қояларга уради, кучли, эркин, доворан қушлар аналга ҳам тик боқиб, мардона, чиройли ўлади, — дейдилар.

Қизик... Уз кўдрати билан парвоз этиб, юксаликка кўтарилган бургут наҳотки ўзини анал исканжасига ташласа... Бургут ўлимини кўрганлар жуда нам. Шунинг учун биз табиатда уз кўзимиз билан кўрган бир ҳодисани ҳикоя қилмоқчимиз.

Ҳисор тоғида қатлам-қатлам қояларни оралаб олдинма-кейин отлиқ қатор кетаётган эдик. Пастда Оқсув куюқ туман остида шўх шовулларди. Дарани қоплаган туман тоғ шабадаси қанотида қоялар пештоқига таралди. Шунда биз нарлик супачасида ўтирган бургутни кўрдик.

Бургут — доворан, кучли, қушларнинг султони. Унинг қанотлари катта, кўзлари ўткир, тўшли, тумшуги ва панжалари бақувват. Тулки, қўзи, кийик вакиллари билан бир ҳамлада чангаллаб кўнка парвоз этади. Овчиларнинг айтишларича, бургут кўпинча чоғроқ бўриларга ҳам ҳужум қилиб, доим ғолиб чиқаркан.

Бизни бир нарсга ажаблантирди. Ҳалиги бур-

гут атрофида қандайдир ҳаракатсиз қора доғлар бор эди. Нима экан-а? Туман тарқалгач, бу қора доғлар — тўп билан айлана дара кўрган қора кузгун эканлиги билинди.

Бургут ўзлаган ўлжасини емоқчи, кузгунлар эса шу емиш қолдигини кутишяпти, деб ўйладик. Ленин, бир оздан кейин қушлар бошқа, қаттароқ ўлжани пойлашяптгани сезилди. Бургутнинг каттаон қанотлари шалпайиб ерга тўшалди.

— Қари бургут, ўлапти, — деб бизга юзланди овчи Берди Сафоев.

Бечора бургут қимир этолмасди, фақат ўтли кўзлари билан ён-верига тикиларди. Кузгунлар бургутнинг ғазабли кўзларидан кўриб, унга яқинлашгани ҳайиқардилар.

Бургутнинг мағрур боши кўирагига шалпайиб тушди. Буни биринчи бўлиб сезган Берди оға:

— Йони чиқипти, энди ўлади, — деди.

Кузгунлардан биттаси олдинга сайради, сўнг қолганлари ҳам... Бургут бошини кўтариб, кўз қараш билан кузгунларни чекинишга мажбур этди.

Бургутнинг мажолсиз боши яна кенг кўирагига тушди. Ана энди, у чиндан ҳам ўлди, деб ўйладик. Кузгунлар барабарига унинг устига ёприлишди.

Шу пайт бургутнинг қулоқнаш қанотлари қандайдир куч билан бирдан елпиниб, ўлак-сахўрларни яна улоқтириб ташлади.

Бургут кескин бурилиб, «қрру-қрру» деган овоз чиқарди-да, учиб-қўниб келаётган кузгунларга праланган қип-қизил кўнрагини тўрилади.

У кузгунлардан яна биттасини чўчиб ўлдирди. Бироқ бу унинг охириги ҳамласи, сўнги мадори эди. Қанотлари ёзилиб, бургутнинг мағрур боши тошга тушди.

Кузгунлар тумшуги билан ўлжани нимтанимта қилиб, патларини юлқилаётган лаҳзада ҳам балки бургутнинг юраги уриб тургандир. Кузгунлар талашиб, бир-бирлари билан чўчишган сари бургутнинг юлинган патлари қора булутдек гулжон ўйнади.

Бургут мана шундай ўлар экан.

Н. АЛИЕВ,
В. ПЕТРОВ.

Қашиқ, арб.



АТИРНИ КИМ ЧИҚАРГАН

Бурун — замонда баъзи подшолар жаллод ўрнига парфюмер ишлатар экан. Масалан, подшо ўзи ёмон кўрган одамга парфюмердан махсус атир тайёрлаб тандим этади. У одам буни ҳидлагач, маълум вақтдан кейин ўзидан ўзи улиб қўя қолади.

У вақтларда дарахт ифтоқларидан, гул ва ўтлардан олинган хушбўйлар диний маросимларда, ибодатхоналарда ҳам кенг ишлатилган.

Хушбўй атирларни ҳозиргидек пардоз ва озодалик, димоқхушлик учун ишлатиш қачон бошланган? Атир тайёрлаш техникасини, унинг хилларини кўпайтириш, саралаш ва яхшилаш назариясини ва истеъмолнинг тарихида биринчи бўлиб буюк олим Абу Али Ибн Сино ишлаб чиққан. Унинг рецепти билан тайёрланган эссенциялар кейинчалик бутун оламга тарқалган. Эрта осрда Италия ва Францияда олинган биринчи парфюмерия устaxonалари Ибн Сино рецептлари билан ишлаб бошлаган.

Одеколон XVIII осрда пайдо бўлади. Уни италянлар «шарқ олимларидан бири ихтиро этган» рецепти бўйича Кёльندا тайёрлаб бошлайдилар. Шунинг учун унинг исми О де Колонь («Кёльнда чиққан сув»), кейинчалик одеколон бўлиб кетган.

Атир ишлаб чиқаришда, эссенциялар бойлиги ва нафис хушбўйлар хилма-хиллигида, моҳир парфюмерлар тайёрлашда Франция олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келди. Ривоятларга кўра, масалан

Грассе шаҳрида шундай қобилиятли усталар бўлар эмишчи, катта базм тарқагандан кейин меҳмонхонага кириб, бу ерга келиб кетган хонимлардан нечтаси мушун анбар, нечтаси жасмин атри сурканганини дарҳол айтиб бера оларини.

«Неделя»дан

«ФАРҲОД ВА ШИРИН» —

ДЕТЕКТИВ?

Эронда чиқадиган «Тоҳран Журнал» газетаси бундай деб ёзади: «Америка фильмар таъсиринда кўпгина ёшлар ахлоқсизлик ва жиноят йўлига кирмоқда».

Ҳақиқатан, океан ортидан ташиб келинмаётган кўплаб олди-қочди фильмар, нотилик, фаҳш, қимор ҳақиқиди детективлар Эронда миллий кинематографиянинг тараққий этилиши ҳам тўсмоқда.

«Равшан фикр» газетасида эрон ишларининг «Эрон халқи ҳаётинан фильмар яратилсин!» деган мактуби эълон қилинди. Прогрессив ёшлар Толли-вудда «қўқиб» келган бир режиссёрнинг «Фарход ва Ширин» сюжети асосида детектив яратиш ниятини фош қилдилар. «Айнабий санъаттагина ибодат қиладиган бу шахсе бу хунарини қаерда ўрганган бўлса, ўша ёққа жунасин!» деб хитоб қилишди ёшлар.



ЭНГ НОВЧА ОДАМ

Чехословакиядаги энг дароз киши Жобетини қиллоғида яшовчи 43 ёшли Иозеф Муциль бўлса керак. Унинг бўйи 217 сантиметр, вазни 133 килограмм. Иозеф Муциль 56-пойфазал кияди. У спиртли ичимликлар ичмайди, чекмайди, ширинликни яхши кўради.



КўЛДА — ОЁҚ БАРМОҒИ

Мария Шопова деган қизини икки бармоғи қаттиқ шикастлайди. Унинг кўрсаткич бармоғини кесиб ташлашга тўғри келди. Пловдив ҳарбий касалхонасининг врач Георгий Мишев қизининг оёғидаги икки бармоғини қўлига олиб ўрнатди. Операциядан 45 кун ўтгач, бармоқлар ҳаракатга кела бошлади. Ҳозир Мария оёқ бармоғи билан бемалол қалам ушлаб олади.

ҚАДАМ ЎЛЧАЙДИГАН АСБОБ

Пенза сўат заводи галати бир асбоб ишлаб чиқарди. Бу асбоб кўринишда зўнат соатига ўхшайди. Уни кинсангизга солсангизда кетаверасиз. Бир неча соатдан кейин қарасангиз — босган қадамларнинг шундоққина ёзилди қўлибди.

Қадам ўлчагич пиёда сайёҳлар, кўрорт ва шифохоналарда дам олувчилар учун мўжжалланган.

БИР ҲИКОЯ ЁЗУВДИМ...

(ҲАЖВИЯ)

Бир ҳикоя ёзувдим. Унда мустақил фирми йўқ, ким нима деса ўшанга эргашиб кетаверадиган баъзи бир одамларни танқид қилмоқчи эдим. Ҳикояни кўлтиқлаб редакцияга кириб бордим.

— Келинг, хизмат!— деди ходим.

— Кичкина бир ҳикоя олиб нелувдим...

— Ташлаб кетинг. Қўлим текканда ўчиб қўяман.

Ташлаб кетдим. Бир ойдан кейин ўша ходимнинг олдида тикка бўлдим.

— Ҳикоянгизни ўқидим,— деди,— шахсан менга маъқул. Лекин бошлиққа ҳам бир кўрсатиб олиш керак.

— Майли, кўрсатиб олинг,— дедим.

Икки ой деганда бошлиқнинг хузурига кирдим.

— Ҳикоянгиз менда яхши таассурот қолдирди,— деди бошлиқ,— умуман берса бўладиганга ўхшайди. Аммо кичкина хўжайин ҳам бир ўқиши керак.

— Майли, ўқисин,— деб чиқиб кетдим.

Уч ой ўтиб кичкина хўжайиннинг висолига эришдим. У мени ўрнидан туриб қаршилади.

— Табриклиайман сизни! Боллабсиз, мустақил фирми йўқ одамларни найза учига олибсиз! Бунақа ҳикояларни тез-тез ёритиб туришимиз керак. Бироқ аввал катта хўжайин танишиб чиқишлари шарт.

— Майли, танишиб чиксин,— дедим.

Тўрт ой деганда катта хўжайинни ушлаб олдим. Изадан эргашиб хонасига кирдим.

— Биламан, биламан,— деди катта хўжайин,— мен ўқидим ҳикоянгизни. Бироқ унда диссонанс билан ассонанс мос эмас. Коррелия етишмайди. Стерженьни гапирмай кўя қолай, ҳатто динамика йўқ. Тушундингизми?

Ҳеч балони тушунмасам-да, кўзимни лўқ қилиб «ҳа, тушундим» дедим.

— Ҳикоянгизни фалончига бердим. Чапдан иккинчи эшик,— деди катта хўжайин.

Чапдан иккинчи эшикка кирдим.

— Келинг, йигит,— деди кичик хўжайин,— ҳикоянгизни албатта чиқармоқчи эдим, лекин унда диссонанс йўқ, акиси. Лаббай? Ҳикоями? Бўлимга ўтказдим. Уша ердан оласиз.

Бўлимга кирдим.

— Қаранг, илгари пайцамаган эканмиз. Ҳолбуки бу ҳикоянгизда ассонанс бутунлай йўқ-ку. Бу танқидимизни ҳисобга олиб, бошқатдан ёзиб келинг, хўпми?— деди бошлиқ.

— Хўп,— дедим.

— Нариги хонага чиқинг. Ҳикоя ҳалиги бизнинг ходимда бўлса керак.

Нариги хонага ўтдим. Ходим жойида экан.

— Мен сизга бошидаёқ айтганман. Шахсан менга маъқул ҳикоя. Аммо ўйлаб қарасам унда стержень етишмас экан. Ҳай, келинг, стерженлини қилиб, бошқасини ёзақолинг?— деди ходим.

— Майли,— дедим. Бироқ стержень нималигини шу бўйи тушунмай қолавердим.

Мана, ҳикояни кўлтиқлаб уйга кетяпман. Миямда гувуллаб болги сўзлар айланади: ассонанс, диссонанс, коррелия, динамика, стержень... Узимча ҳадеб «стержень, стержень» деб пичирлаганман шеклиди, автобусда биров «нима?» деди башарамга қараб.

— Стержень,— дедим,— стержень нима дегани, ака?

— Уқ, араванинг ўқи,— деди ҳалиги киши ҳамон кўзимдан кўзини узмай.

Уйга келдим-у, укамнинг каттак дафтарида тўрт варақ йиртиб олиб, кичкина бир ҳикоя ёздим. «Стерженьсиз одамлар» деб сарлавҳа қўйдим. Қайта-қайта ишладим. Кейин, беш-олти кун ўтказиб яна ўша редакцияга кўтариб бордим. Ҳикояни ходимнинг олдида қўйдим.

— Мана, айтганингиздай қилиб, стерженлигидан ёзиб келдим.

Ходим ҳикояга тикилиб қолди. У шундай бошланарди: «Дунёда ҳамма нарсанинг стержени, яъни ўқи бўлади. Ерининг ҳам ўқи бор, тегиримоннинг, соатнинг... Ленин баъзи бир одамларда мана шу стержень ё мурт бўлади, ёни...»

— Яхши,— деди ходим менга жилмайиб,— аргументларингиз анча позитив. Бироқ бошлиқ ҳам бир ўқисин-а, кейин гаплашамиз. Нима дедингиз?

— Майли, ўқисин,— дедим.

Ленин унинг нима дейишини биламан. Ҳозирдан кўнглим сезиб турибди...

С. ҚАРНОҚЛИ.



— Мен россиялик князь бўламан.
— Мен туркистонлик бек эдим.

Э. РҲЗИБОВЕВ РАСМ.



Сўзсиз сурат.

ОТОЛМАСАНГ СОПҚОННИ...

«Яқинча кунни стадионда машқ қилдик. Мен минг метрлик масофани уч секундда юзуриб ўтдим. Назарлида, бу — янги рекорд. Қайси идорага хабар қилиш керак? Адресини юборсанлар...»

— Қатортол кўчаси, 16. Энг катта соатсозлик устaxonаси ўша ерда.

«...масалан, ғоз, ёки ўрдак: ҳам ҳавода учлади, ҳам сувда сузди, ҳам ерда юрди. Шоирлар эса фақат буреутни мақтайдилар...»

— Тўғри, ғоз билан ўрдак ҳар томонлама қобилиятли. Ленин қобилият бошқа, талант бошқа. Бургут эса парвозда — ҳақиқий талант.

«Анджонлик Аҳмаджон Турсунбоев Тошкентга келган куншўқ меҳмонхонадан жой олиб...»

— Ҳикоянгизнинг дастлабки сатрларини китобхонда ишончсизлиги туғдирди, Босолмадин.

«Шеъримни имло хатоларининг олиб ташлаб чиқаришингизни сўрайман».

— Кўзимиз қиймади. Чунки асарингизнинг эътиборга лойиқ жойи ҳам шу экан.





Баҳси 30 г.

02

Индекс 75233